



Adolat


Ozbekiston Respublikasi ijtimoiy-siyosiy va huquqiy gazetasi

1995 yildan chiqa boshlagan 2001 yil 9 fevral juma №6 (293) sotuvda erkin narxda

● Маънавий-маданий ҳаётимизни янги маъно-мазмун билан бойитиш, миллий қадриятларимизни тиклаш, асл томирларимизга қайтиш йўлида амалга ошираётган хайрли ва эзгу ишларимиз ўзгиримизни аниқлаш ва буюк мақсадларимизга эришишда мустақам пойдевор бўлмоқда.
Бу борада Соғлом авлодни тарбиялаш, Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурларни амалга ошириш, фарзандларимизни дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаган, етук ва баркамол инсонлар этиб вояга етказиш йўлида қўйган қадамларимиз барчамизни қувонтирмасдан қолмайди.
Ислом КАРИМОВ.

«ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИЙ БУРИЛИШ ПАЛЛАСИДА»

Россиядаги машҳур «Вагрийус» нашриёти «Ўзбекистон тарихий бурилиш палласида» номли китобни босмадан чиқарди. Асар муаллифи ҳуқуқ назарияси бўйича мутахассис, юридик фанлари доктори, профессор Леонид Левитиндир. У Германияда истиқомат қилади.



Асар муаллифи нафақат ўз ишининг устаси, балки ўзи ёзаётган мамлакатнинг тақдирини учун астойдил қайғурадиган инсон ҳамдир. Мана шу муҳим омилларни ҳисобга олган ҳолда ўйлаш мумкинки, мавзунинг долзарблиги ҳамда муаллифнинг чуқур билимига эгаллиги Урта Осиё, хусусан, Ўзбекистонга қизиқиш билдирадиган фарб ўқувчисига мазкур асар, шубҳасиз, қизиқиш уйғотади, у ҳатто қўтилмаган саволларга ҳам барча жавобларни топа олади.

Китобга Россиянинг таниқли сиёсатчиси, академик Александр Яковлев сўзбоши ёзган. Таъкидлаш жоизки, Леонид Левитин Ўзбекистон ҳақида биринчи мартаба ёзаётгани йўқ. Унинг биринчи китоби мамлакатимиз раҳбарига бағишланган эди. У Л. Левитиннинг «Ислом Каримов янги Ўзбекистон Президентини» номли асаридир. Шундай қилиб, муаллиф яна Ўзбекистон мавзусига қайтди.

Муаллиф ўз олдига қўйган мақсад Ўзбекистондаги вазиятни таҳлил-тадқиқ этиш билан изоҳланади. Президент Ислом Каримов раҳбарлигидаги мамлакат диний фундаментализм билан курашда дунёвий тараққиётнинг таянчи бўла оладими? Ўзбекистон минтақадаги иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан етакчилик даражасига чиқиши имкониятига қўшнилар акс-садоси қандай бўлади? Муаллиф мана шундай ва бошқа саволларга республиканинг бугунги кунини ва ўтмишига мурожаат қилган ҳолда аниқ-равшан жавоблар беради.

Муаллиф ўз асарининг биринчи сатрлари биланоқ ўқувчилар эътиборини республикада кечаётган ўзгаришларга жалб қилади. У Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислом Каримов билан бўлган кўпга учрашув ҳамда мулоқотлари ҳикоя қилинган бобда бу жиҳат ўзининг ёрқин ифодасини топган. Муаллиф ўзининг шахсий кузатишлари ва давлатнинг биринчи шахси билан кечган кўп йиллик мулоқотларига асосланган ҳолда Ўзбекистон Президентининг нуқтаи назарлари ҳамда унинг шахс сифатидаги қиёфасини рўй-рост очиб беришга муваффақ бўлган. Асарда Ислом Каримов ўқувчилар кўз олдига нафақат муқобили йўқ етакчи, қатъиятли раҳбар, балки иродали, чуқур билимга эга, сотилмайдиган ва шу билан бирга камтарин инсон, «фитналар ва муваффақиятга элтувчи айланма йўллар ҳамisha номақбул бўлган» арбоб сифатида намоён бўлади.

«Мен Каримовни асл сиёсий йўлбошчи дея атар эдим», дея хулосалайди Левитин ўз фикрини.

Ушбу нашрнинг алоҳида бир қисми ўтган йил январь ойида бўлиб ўтган Ўзбекистон Президентини сайловларига бағишланади. Ушанда Леонид Левитин халқаро кузатувчи сифатида бу жараёнга шахсан гувоҳ бўлган эди.

Бу мавзуда сўз юритиб, «Менда ушбу сайловларнинг эркин ва ҳаққоний ўтганлигини тасдиқловчи барча асослар бор. Хорижий кузатувчиларнинг бирортаси ҳам бундан ўзга фикрни билдиргани йўқ», — дейди Левитин.

Республикаимизнинг яқин ўтмиши ҳақидаги бўлимлар китобдаги марказий ўринни эгаллайди. Китоб бўлимларидан бири ҳам шундай номланади: «Ўз тақдирини ҳал қилиш ҳуқуқисиз». Табиийки, ўқувчиларга қайси давр ҳақида гап кетаётганлигини тушунириб ўтиришга ҳожат бўлмас керак.

Китобдаги асосий мавзулардан бири конституциявий давлатнинг барпо этилиши ва унинг истикболларига бағишланади. Муаллифнинг айнан мана шу масалага қизиқиши бежиз эмас. Бу ҳар қандай собиқ совет мамлакатига замонавий Конституция яратиш — дастлабки модернизация натижалари, келажакдаги сиёсий янгиланишларнинг асоси эканлигини тушуниш билан боғлиқдир. Чунки конституция жамиятдаги барча нормаларнинг асосий негизидир.

Леонид Левитиннинг китоби енгил ўқилади. У жаҳонда ўқшаши йўқ мамлакатимиз ҳамда Ўзбекистоннинг гуллаб яшнаши ва тараққиёти учун имкониятдаги барча ишларни амалга оширувчи унинг Президентини ҳақида батафсил маълумот беради. Китобни ўқиган хорижий ўқувчи ҳам, шу замонда туғилиб вояга етган киши ҳам унинг мазмунини теран аниқлаши, тушуниши учун у раво тилда ёзилган.

«Жаҳон» АА.



Даврон АХМАД олган сурат.

Ёшлар давлатимизнинг келажак йўлини ёритувчи нурлардир. Бунинг бугун кенг жамоатчилик тобора ёрқинроқ ва теранроқ ҳис этмоқда. Мамлакатимизнинг чекка қишлоқларидаги маҳаллалар ва мактаблардан тортиб то катта-кичик шаҳарлардаги олий ва ўрта махсус ўқув юрталари, маънавий ва маърифат марказларида фаолият кўрсатувчи мураббий-устозлар соғлом ҳаёт гарови бўлган соғлом авлод тарбиясига алоҳида эътибор бериб келяптилар. Айниқса, маърифат ходимлари — ўқитувчилар бу борада доимо пешқадам.

Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги 250-ўрта мактаб ўқитувчиси Гули Темирхожиева ана шундай жонқуяр мураббий-устозлардан бири. СУРАТДА: Гули опа Темирхожиева дарсдан сўнг ўқувчилар билан ўзаро мулоқотда.

Шахсий фикр

УМИД КУРТАКЛАРИ

Республикамиз истиқлолга эришган дастлабки давлардаёқ Юртимизимиз барчамизнинг қалбимизда умид ва ишонч уйғотиб: «Ўзбекистон — келажикда буюк давлат!» деган эдилар. Бу эртанги ёруғ ҳамда фаровон кунларимиз, нурилик келажакимизни ўз қўлимиз билан яратишга даъватдир, деб тушулганман. Президент ёшларга катта ишонч ва умид билан қараётганини ҳар бир мактаб ўқувчисидан тортиб турли ўқув даргоҳларида таҳсил олаётган талабалар, эндигина танлаган касби бўйича меҳнат фаолиятини бошлаётган тенгдошларимизга қалбдан ҳис этишини истардим.

Яқинда пойтахтимиз Тошкентда бўлиб ўтган ёшлар масалаларига бағишланган йилги ишчи юртимиздаги барча тенгдошларим ойнаи жаҳон «орқали» ҳаёжон билан кузатганлар, газеталарда эътибор билан ўқиганларига имоним комил. Президентимиз Ислом Каримовнинг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ташаббус гуруҳи билан учрашувда сўзлаган нутқи барча ёшлар қалбидан умид куртакларини барқ урдириб юборгани шубҳасиздир.

Ҳар бир ёш йигит ва қиз орзу-умидлар дунёсига

яшайди. Ўз она тилимизда бугун катта-катта илмий ишлар, кашфиётлар ҳамда ижодий ишлар қилишимиз мумкин. Юртимиз мустақиллиги биз учун барча имкониятларни яратмоқда. Қўлбал тенгдошларимизнинг талаба ё ўқувчиларининг сўхбатларини тинглаганман. Кўпчиликнинг эътиборли фикрларини газеталарда ўқиганман. Улар орасида жуда ибратли фикрлар кўпчилигидан қувонаман. Очиги, баъзан ёшликка хос ҳавойий гаплари ҳам қўлоққа чалиниб қолади. Майли, муртақ қалб ўйғонишида инсон нималарни орзу қилмайди, деб қўяман ўзимча. Албатта,

хеч бир инсоннинг орзу-умиди сароб бўлиб қолмас керак.

Истагим шунки, касб танлашда, хунар ўрганишда отабоблар меросини ҳам ёддан чиқармаслик зарур. Турли хунармандчилик, деҳқончилик, чорвачилик ишларига ҳам қизиқиш, шу касбни давом эттиришга тенгдошларимиз кам эмас. Уларни ҳам вақти-вақти билан рағбатлантириб, қалбларига қўлоқ тутиш зарур. Эртанги ҳаётимизда катта воқеликка айланадиган «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг жойлардаги бўлимлари мутаассадилари бу масалага албатта жиҳдий эътибор беришларига ишонаман.

Турмушимиз моддий фаровонлиги ошиши биринчи гада шу соҳалар ривожига боғлиқ эканлигини ҳамма тушунади. Менимча, ҳақиқий иқтисодчиларни тарбиялаб вояга етказишга ҳам эътибор қаратиш зарур. Фақат пойтахт шаҳримиздагина эмас, қишлоқларда ҳам бу соҳа мутахассисларига эътиб қўли. Қишлоқ ҳўжалигини ривожлантириш, уни иқтисодий

жиҳатдан пухталиқ билан ҳисоб-китоб қилиб бориш зарур. Бу масъулиятли ишлар учун ҳам етук кадрлар керак. Молия соҳасининг амалиётини чуқур биладиган иқтидорли кадрга ҳар бир соҳада эҳтиёж бўлади.

Тоғида бозорларда, турли тижорат дўконларида ишбилармон йигит ва қизларга дуч келаман; савдо-сотик ишларининг ҳадисини яхши олганларга тан бермай илож йўқ. Назарий билимлари қай даражада бўлишидан қатъи назар амалиётини — амалий ишларни қўйиллашмоқда. Аслида илм ўрганиш, дунёвий билим эгаллашдан мақсад ҳам уни ҳаётда қўлғай билишида деб биламан. Ёшларга берилаётган эътиборни, керак бўлса, ҳар биримизнинг зиммасига оқилтилаётган вазифаларни дилдан ҳис этган ҳолда ҳаракат қилсак, Юртимизнинг буюк келажакини ўз қўлимиз билан яратган ва асрий орзуларга эришган бўламиз.

Оқназар СИРЛИБОВ, ёш иқтисодчи.

ЎЗБЕКИСТОН



МУСТАҚИЛЛИКНИНГ 10 ЙИЛЛИГИ

«МАТИЗ» ЎЗБЕКИСТОН ЙЎЛЛАРИДА ЕЛАДИ

Бу воқеа мамлакатимиз мустақиллигининг ўн йиллиги арафасида амалга ошди

Миллий матбуот марказида учрашувда «Узавтосаноат» уюшмаси раисининг уринбосари Аҳмаджон Ҳаққулов ўз сўзини юқоридagi хушхабар билан бошлади.

— Маълумки, янги моделларсиз автомобилсозликнинг келажакини тасаввур қилиб бўлмайди. Шу йилнинг август ойида «Матиз» русумли автомобил ишлаб чиқара бошлаймиз, — деди А. Ҳаққулов. — Бу мамлакат мустақиллигининг ўн йиллик туғиға уюшмамизнинг тўенаси бўлади. Жорий йилнинг ўзида етти минг дон «Матиз» ишлаб чиқарилиб, тўрт мингтаини ички бозорда сотиш, ўн мингтаини экспорт қилиш мўлжалланяпти. Ўзбекистоннинг автомобил соноати жуда ёш.

А. Ҳаққулов таъкидлаганидек, 1996 йил 19 июлдан ЎзДЭУ қўша корхонасида «Дамас», «Тико», «Нексия» русумли автомобиллар ишлаб чиқарила бошланди. Орадан икки йил ўтиб «СамКочАвто» Ўзбекистон — Туркия қўша корхонаси ишга

тушди. Қисқа давр автомобилсозларимиз жаҳон бозоридан мустақам ҳурин эгалладик. 1996 йилдаёқ 800 дондан зиёд автомобил экспорт қилинди. Россия, Украина, Болтиқбўйи мамлакатлари техникаларимизнинг донимий харидори ҳисобланади. Масалан, автомобилларимизга Россия бозорларида талаб катта. Айни пайтда элликка яқин дилерлик пунктлари ишлаб турибди. Мазкур мамлакатта 1999 йил ўн бир ярим минг, 2000 йилда ўн минг дон машина сотилди. Жорий йилда эса 17 минг донга автомобил экспорт қилиниши кўзда тутилди.

Жорий йилда Жиззахда аккумулятор ишлаб чиқарадиган «УзЭксайд» Ўзбекистон — Америка қўша корхонаси ишга тушди. Фарғонада эса автомобиллар учун ойна ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Уюшмада миллий кадрлар тайёрлаш масаласига катта эътибор бериляпти. Утган йиллар давомиди Асакадаги заводда етти ярим минг ишчи урни очилди. Жанубий Кореяда 550 ёш мутахассис касб малакасини оширмоқда.

Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

ТОШКЕНТ — МОСКВА КОД ШЕРИНГИ

«Аэрофлот» авиакомпанияси Москва — Тошкент йўналиши бўйича мунтазам ҳаво алоқасини очилиши мўлжалламоқда. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси раҳбарияти ва Россия авиакомпанияси бош директори Валерий Окуловларнинг Тошкентда ўтказилган музокараларининг бош мавзуси шунга бағишланди.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» билан аазий ва яқин алоқаларимиз мавжуд бўлиб, мунтазам равишда мулоқотда бўламиз, — деди В. Окулов журналистлар билан суҳбатда. Навбатдаги музокаралар ҳамкорликда ишга туширишга тайёрланган Тошкент — Москва йўналиши ҳусусида бўлди. Москва ва Тошкентдан училарни ташкил этишда ушбу йўналишдан келгусида код шеринг бўйича фойдаланиш юзасидан битим тайёрлаб бўлинди.

«Аэрофлот» бош директорининг сузларига қўра ўтган

йили имзоланган код шеринг битими «Аэрофлот» йўловчиларининг Ўзбекистон ҳаво йўллари орқали Жанубий — Шарқий Осиёга училишида Тошкент қўшиқчи манзили бўлиб қолиниши кўзда тутди. Москва эса «Ўзбекистон ҳаво йўллари» йўловчиларини Европа ва Россия шаҳарларига «Аэрофлот» самолётларида элтишида айнаш шу вазифани ўтади. Ушбу мақсадда авиакомпаниялар Европа ва Жанубий-Шарқий Осиёга учини жадалларини узгартирди, деб қайд этди В. Окулов.

«Туркистон-пресс».

Спорт ИРОДА ТўЛАГАНОВАНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Тоғида теннис бўйича энг нуфузли халқаро турнирларидан бири — «Пан паифик оупен» турнири ўз нихосига етди. Мукофот жамғармаси бир миллион АҚШ доллари бўлган турнирда 32 мамлакат теннисчилари, шу жумладан Ўзбекистондан Ирода Тўлаганова ҳам иштирок этди.

Якка тартибдаги мусобақаларда муваффақиятга эриша олмаган Ирода жуфтликда финалгача етиб борди. Ирода ва россиялик Анна Курникова жуфтликча қарши жаҳоннинг олтинчи раунд устаси АҚШлик Лиза Раймонд ва жаҳоннинг саккизинчи раундга устаси швейцариялик Рене Стабос майдонга тушди.

Бу беллашув Ирода ва Анна учун осон бўлмади. Улар ўзларининг рақиблари устидан иккинчи сетда — 6/2 ҳисобида галабача эришиб, учрашув умумий ҳисоби

да — 7/6, 6/2, 7/6, тай-брейк — 8/6 натижаси билан яқунланди. Шундай қилиб, Ирода Тўлаганова ва Анна Курникова «пан паифик оупен» турнирининг қумуш медалига сазовор бўдилар. Бу уларнинг янги йил ва янги асрадаги дастлабки омадли қадамлари бўлди.

Ирода Тўлагановани Бирлашган Араб Амирликлари ва Катарда бўладиган халқаро мусобақалар кутмоқда.

(ЎЗА).

Партия ва ҳаёт

ДАВР БИЛАН ҲАМНАФАС

Самарқандда транспорт хизмати ходимлари, хусусан улов эгалари 1999 йил «Жаҳонжон» ишлаб чиқариш савдо-тижорат фирмасининг бир тармоғи сифатида ташкил этилган виллоят «Автогаз» бўлимини жуда яхши билишди. Корхона фаолияти тўғрисида унинг раҳбари Ўзбекистон «Адолат» СДП Самарқанд виллояти Кенгаши биринчи котиби Жуманиёз Алибеков «Туркистон-пресс» мухбирига қуйидагиларни гапириб берди.

— Фаолиятимизни уч киши билан бундан ўн икки йил олдин «Жаҳонжон» ишлаб чиқариш савдо-тижорат фирмасини ташкил этишдан бошлаган эдик. Фирмамиз қурилишлар учун блоklar, йўлакларга ётқизиладиган плита, ёғоч материалларидан эшик, ром, стол, стуллар, барча турдаги машиналар учун мосламалар, майда қисмлар тайёрлаб бериш билан бирга, суолтирилган ва сиқилган газ ёқилгисини сотишни йўлга қўйганидан кейин эса ишимиз янада ривожланиб кетди. Шу аснода виллоят «Автогаз» бўлимини ташкил этилиб, корхона маъмулий фаолият юрита бошлади. Айни пайтда корхонамиз автомобилларнинг бензиндан ташқари экологик тоза ёқилги ҳисобланган суолтирилган ва сиқилган газ билан ишлатишни таъминлаш, газда юриш мосламаларини ўрнатиш ва уларга техник хизматлар кўрсатиш билан шуғулланади. Бир пайтлар 1700 сўмлик сармоа билан ташкил этилган фирмамизда эндиликда юздан зиёд одам ишлайди.

— Ҳозир мамлакатимизда автомашиналарни бензинга муқобил бўлган ёқилги тури — газ билан юришни таъминлаш кенг туш олмақда. Бунинг сабаби нимада?

— Биринчидан, газ бензинга нисбатан анча арзон. Иккинчидан, газ бензинга нисбатан экологик тоза ёқилги ҳисобланади. Физикада шундай қонун бор: қудан ютсангиз, ишдан ютказасиз. Бу ерда иқтисод, экология томонидан ютсак, ютказадиган томонимиз — унинг хавфлигидир. Эҳтиётсизлик натижасида газ портлаши, ёниб кетиши ёки ундан захарланиш мумкин. Ишчимизнинг шу каби нозик жиҳатларини эътиборга олган ҳолда корхонамизга ишчиларни бир ойлик синов муддати билан махсус комиссия орқали танлаб оламиз. Шаҳар бўйича унга яқин тармоқларимиз бўлса, уларнинг ҳаммасида ўз ишининг билимдонлари ва мутахассислари ишлайди. Мутахассислар техникага хушёр, физика, кимё фанларини хабардор одам бўлиши керак, деб ўйлайман. Шу билан биргаликда, ҳайдовчилардан ҳам хушёрлик ва эътиборни талаб қиламиз.

Суолтирилган газни Шўртангаздан, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводидан, сиқилган газни эса келаятган катта трассадан оламиз ва махсус станцияларда баллонларга жойлаштирамиз.

Автомашиналарга газ мосламаларини олиб келиб ўрнатиш эса нафақат виллоятимизда, балки республика миқёсида муаммога айланган. Чунки ушбу мосламалар асосан четдан, яъни сиқилган газ учун Россиядан, суолтирилган газ учун эса Беларусиядан олиб келинади. Келаси йилдан сиқилган ва суолтирилган газ мосламаларини ишлаб чиқариш давлат дастурига киритилган бўлиб, унинг амалга оширилиши барчамиз учун қўлайликлар туғдирган бўлар эди.

— Келгусидаги режаларингиз тўғрисида ҳам тўхталиб ўтсангиз.

— Корхона фаолиятини кенгайтириш ниятимиз бор. Шу билан бирга янги иш жойларини ташкил этиш, автомобиль йўллари таъмирлаш, шаҳар ободончилиги ва тозаланиши сақлашда фаол иштирок этиш, замонавий техника ва илғор технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш каби вазифаларни режалаштирдик. Ишга бундай ёндашув ўз навбатида ишлаб чиқариш самарадорлигини оширади, деб ўйлайман. Яна бир асосий йўналишларимиздан бири ходимларимизга шарт-шароит яратиш бериш, уларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишдир. Ҳозирги кунда ишчиларимизнинг оладиган ўртача ойлик маоши 30-35 мингги ташкил этади. Мутаазам равишда улар мукофот пуллари ҳам олиб туришади.

Бундан ташқари, биз кам таъминланган оилаларга ёрдам кўрсатамиз. Шу даврга ижтимоий кам таъминланган, қўл болали оилаларга, мактабларга, ногиронларга 4 миллион сўм миқдорда моддий ёрдам кўрсатдик. Келгусида ҳам уларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишга кўпроқ эътибор бериш ниятидамы.

— Жуманиёз ака, Сиз корхона раҳбари бўлиш билан бирга Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси Самарқанд виллояти Кенгашининг биринчи котиби ҳам экансиз. Жамоат ишлари ишингизга ҳалақит бермайдими?

— Йўқ, аксинча, Бу билан мен фахрланаман. Ахир бу партиянинг сафида бўлиш, унинг мақсад ва маслакларини амалга ошириш учун ҳисса қўйишимни ўзи қувончи. Маълумки, партия «Адолат» «номи билан майдонга чиқди. Бу аввало мустақиллигимизнинг шарофатидандир. Истиқлол босқучи юртимизда жуда кўп имкониятлар юзага келди. Бунга биз ҳар дам, ҳар лаҳзада гувоҳ бўлиб турибмиз. Уларни ҳар шунга манад: қувончи. Янги асрада, унинг дастлабки йилида мустақиллигимизнинг 10 йиллигини нишонлаймиз. Бу қувончи тантанасига ким нима билан келаяпти? Ўзбекистонимизнинг бугунги юксалиши, тараққиётига қандай ҳисса қўшмоқда? Бунинг эътиборида сафарларда бўлган ҳар бир аъзо дилдан ҳис этиб турибди. Ютуқларимизни бундан ҳам бойитишдек орзуларни кўнглига тугмоқда. Виллоят партия ташкилотимиз ҳам шундай: мустақиллигимизни янада мустаҳкамлаб, партия сафларини сон ва сифат жиҳатидан ўстириш учун сидқидилдан ишламоқда. Сафаримизда бир мақсад, бир маслак билан берилашган сафдошларимиз партияимизнинг обрў-эътибори учун астойдил курашмоқдалар. Шундай экан бундан фақат қувониб керак. Партиявий ишларнинг умумий ишларимизга боғлиқлиги ҳам шунда. У бизга ҳалақит бераётгани йўқ, аксинча кенгроқ фикрлаб, ҳаётга теран нигоҳ билан қарашимизга йўл очмоқда.

Қонуьбузар ва шафқат йўқ

ИСЛОҲОТ ТАЯНЧИ

Иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, шу билан аҳоли турмуш тарзини яхшилаш солиқ тизими ходимларига ҳам боғлиқдир. Хўш, бу борада Каттақўрғон шаҳар давлат солиқ инспекцияси жамоаси қандай иш олиб борапти? Яқинда мухбиримиз ушбу инспекция бошлиғи Сотиболди Жумаев билан ана шу ҳақда мулоқотда бўлди.



— Сотиболди Бозорович, аввало Сиз раҳбарлик қилаётган солиқчилар фаолияти ҳақида ҳикоя қилсангиз.

— Шунга алоҳида қайд этиш жоизки, солиқ тизими бошқа соҳаларга нисбатан бир мунча фарқ қилади. Бу гапни айтишимнинг боиси солиқ инспектори ўта ҳалол, тўғриси, пок нијати бўлиш билан бирга сиёсий ва иқтисодий билимга ҳам эга бўлмоғи даркор. Шу нуқтага назардан кадрларни танлаш, уларнинг билим ва малакасига алоҳида эътибор қаратмоқда. Ходимларимизнинг 16 нафари биринчи даражали солиқ хизмати инспектори, 13 нафари тизимимизнинг махсус унвонлари соҳибларидир. 34 нафар ходимимиз олий ва тўлиқсиз олий маълумотга эгадирлар. Вилоят Давлат солиқ бошқармаси раҳбарияти билан келишилган ҳолда ходимларимизни ҳар йили жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети, Тошкент давлат молия олийгоҳи, вилоят давлат солиқ бошқармаси қошидаги Ахборот марказларига малака оширишга юборамиз. Шунингдек, ходимларимизнинг касбий тайёргарлиги ва маънавий билимини янада ошириш мақсадида инспекцияси қошида иқтисодий, маънавий, маърифий ўқув машғулотлари ташкил этилган.

— Ходимлар томонидан ўтказилаётган тегиришлар натижаси қандай самара берапти?

— Инспекциямиз томонидан 438 ҳуқуқий шахс рўйхатга олинган, 333 корхона ва ташкилот фаолият кўрсатиб келмоқда. Биргина ўтган йили ана шу корхоналарда 336 марта тегиришлар ўтказилди. Тегиришдан сўнг камчиликларни олди олиниб, бюджетга қўшимча 10818,8 миң сўм келиб тушди. Бундан ташқари камчиликларни содир этган шахсларга нисбатан 10952 миң сўм молиявий жаримлар солинди. Шаҳар Давлат солиқ инспекцияси ходимлари томонидан ўтказилган 561 тегириш натижасида 6 та жиноий иш кўзга тилиди, 3 та тегириш материаллари шаҳар прокуратурасига юборилди. 92 та тегириш материаллари шаҳар судига юборилди. Қонуьбузарларга нисбатан маъмурий жазо кўрилди.

Шунингдек, солиқ тўловларини ўз вақтида тўламаган корхона раҳбарларига нисбатан тегишли чора-тадбирлар қўрилди. Биз қардор корхоналарда маъмуриятларига ўз вақтида ёзма равишда талабномалар жўнатиб борамиз. Талабномаларимизни инобатга олган баъзи масъулиятсиз раҳбарларга нисбатан маъмурий жазолар қўрилганлиги тўғрисида алоҳида маълумот бердик. Ана шундай тўловларни амалга оширмаган 10 та корхона маъмуриятига нисбатан ҳужжали судига даволар кўзга тилиди. Суднинг қарорига биноан 9 та қардор корхоналарнинг 102852,3 миң сўмлик мол-мулкларига хатлиниб, сотилиб бюджетга ундирилди. Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси «Банкротлик тўғрисида»ги қонунга асосан 6 корхонада 6937,3 миң сўмлик қарздорлик бўйича банкротлик аломатлари аниқланган ва улар юзасидан ҳужжали судига даволар кўзга тилиди. Натижада қардор корхоналарни тўлатиш ишлари амалга оширилиб, ушбу корхоналарнинг 6937,3 миң сўмлик қарзлари рўйхатдан чиқарилди.

— Жисмоний шахсларни солиққа тортиш юзасидан инспекция томонидан қанақа чора-тадбирлар қўрилмоқда?

— Бу борада ер солиғи, мол-мулк ва транспорт солиғи тўловчи жисмоний шахсларни тўлиқ ҳисобга олиш ишлари олиб борилди. Натижада 13532 нафар жисмоний шахсларга тегишли бўлган ҳовлижой, қвартир ва бошқа қурилмалар, 1475 та транспорт воситаси ҳисобга олинди ва уларга ўз вақтида тўлов хабарномалари етказилди. Ходимларимизнинг сай-ҳаракатлари тўғрисида солиқ тўловлари жисмоний шахслардан ўз вақтида ундириб олинишига эришилди.

Тадбиркорлик фаолияти билан шугулланувчи жисмоний шахслар ҳам ҳисобга олинди, уларнинг ҳам даромаддан тушган 89931 миң сўм маблағи ўз вақтида давлат бюджетига ўтказилди.

Ўтган йили ходимларимиз томонидан 19 марта рейд ўтказилиб, 149 нафар яқка тартибдаги меҳнат фаолияти билан шугулланувчи шахс солиқ қонунчилигини бузганлиги аниқланди. 29 фуқарога нисбатан тегишли миқдорда маъмурий жарима ва молиявий жарима қўрилди. 95 ҳолатда солиқ қонунчилигини бузган шахсларга нисбатан тўланган ҳужжатлар тегишли чора қўрилиши учун шаҳар судига юборилди. Шунингдек, қонунсиз тамаки маҳсулотлари ва спиртли ичимликлар сотибдан шахсларга нисбатан ҳам тегишли чора-тадбирларни олиб

бораёмиз.

— Сўхбатимиз бошида бозорлар фаолиятини назорат қилиш шўъбаси мавжудлиги ҳақида гапирдингиз. Кўпчилик аҳоли шаҳар деҳқон бозори мизмидан қаноатланмаётганлиги ҳақида айтишди. Тегишли шўъба ходимлари ўз зорини тартибга солиш ҳақида қанақа чора-тадбирлар кўрмоқдалар?

— Бу гапда жон бор. Ҳақиқатдан ҳам деҳқон бозорига баъзан қўли эгрилар пайдо бўлишади. Яқинда Каттақўрғон тумани Мойбўлоқ жамоа ҳўжалигиндан М. Жуманов ва Н. Тошназаровлар имзоси билан инспекциямизга шикоят хати тушди. Ана шу хат юзасидан ўтказилган тегиришларда Каттақўрғон шаҳар очик турдаги деҳқон ҳиссадорлик жамиятига қарашли омухта ем сотишга мўлжалланган савдо секторига қўнжара маҳсулоти билан савдо қилаётган Шўхрат Амиров харидорга 100 кг қўнжара сотиб, тўрт миң сўм талаб қилган. Натижада харидорга 30 кг кам қўнжара ўлчаб берганлиги ёки 1240 сўм ортиқча олиб қолганлиги аниқланди. Бунинг устига қўнжара сотувчи Шўхрат Амиров давлат солиқ инспекциясидан рўйхатдан ўтмаганлиги, қўлида ҳеч қандай ҳужжати йўқлиги маълум бўлди.

Шунингдек, Каттақўрғон тумани Раҳима Исломова номи жамоа ҳўжалигининг Чиганок қишлоғида яшовчи Иззатулла Камолов харидорга 50 кг деб сотган қўнжараси 47,5 килограмм келганлиги ва у ҳам харидор ҳақидан 500 сўм ортиқча олганлиги ходимларимиз фактлар мисолида исботлаб беришди. Каттақўрғон шаҳар очик турдаги деҳқон ҳиссадорлик жамиятига қарашли мол бозорига назорат тегириши ўтказганимизда, ушбу мол бозоридан бир қўзи сотиб олган Қарамон Қўлдосев деган шахсдан ушбу мол бозор патчасини Зариф Раимов 300 сўм ўрнига 400 сўм олганлиги аниқланди.

Ходимларимиз бозордаги ана шундай пала-партишлик, юлчилик, қонунсиз олиб борилаётган ишларга нисбатан қаттиқ кураш олиб бормоқдалар. Гап шундаки, бозор тартибга солиш биргина солиқ назоратчиларнинг иши бўлибгина қолмай, аввало бозор маъмурияти томонидан ҳам зарурий чора-тадбирлар белгиланса, мақсадга мувофиқ бўлади. Баъзан шаҳар бозорига сотилиши мумкин бўлмаган пахта, мойи, совун олиб чиқилади. Бозор маъмурияти ходимларимиз билан ҳамкорликда аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини тўғри олиб бора, қонуьбузар ва қондабўз қарқовчиларга нисбатан тегишли чора-тадбирлар белгиланса, айни мўлдат бўлади.

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон республикаси пенсия таъминоти тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ҳамда «Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси маблағларини шакллантириш ва сарфлаш тартиби тўғрисида»ги низомиёни тасдиқлаш ҳақида қарорлар қабул қилинди. Ана шу қарорга асосан бюджетдан ташқари пенсия жамғармасига қорхона ва ташкилотлардан ҳамда жисмоний шахслардан мажбурий тўловларни ундириш солиқ тизимига юклатилди. Бу борада Сиз раҳбарлик қилаётган инспекция жамоаси қандай тадбирларни белгилamoқда?

— Ушбу қарорларни ўз вақтида ва сифатли бажариш мақсадида шаҳар Давлат солиқ инспекцияси томонидан янги йилнинг бошидан оқ қатор тадбирлар белгиланиб амалий ишга ўтилди. Биринчи навбатда барча қорхона ва ташкилотлар билан ўтган йилнинг декабрь, ойдаёқ пенсия жамғармасига бўлган қарзлари солиштирма далолатнома билан олинди, уларга тегишли компьютер дастурлари орқали шахсий арақалар очилиб, маълумотлар киритилди. 2001 йилнинг биринчи январидан бошлаб, қардор қорхоналарга инкасса топшириқномалари қўйилди. Улардан тушган маблағ тўлатуқис пенсия жамғармасига ўтказилмоқда.

Бундан ташқари тадбиркорлик фаолияти билан шугулланаётган жисмоний шахслардан ҳам пенсия жамғармасига маблағ ундириш юзасидан ишлар қизғин олиб борилаптир.

Хуллас, иқтисодий ислохотларни янада ривожлантириш, халқимизнинг турмуш фаровонлигини ошириш, шунингдек қонуьбузарлиқни олдини олиш ишларида биз солиқчилар доимо камарбаста бўлиб хизмат қилаверамиз.

Сўхбатдош: Аскар ЖАЛИЛОВ, «Адолат» мухбири.

Тошкентдаги «Богистон» кичик давлат қорхонаси жамоаси тайёрлаётган 500 хилга яқин нон ва нон маҳсулотларининг 9 хилини тешиқулча ташкил этади. Унинг 4 хили 200 граммлик қадоқланган идишда истеъмолчига етиб бормoқда. Қорхонада бир кунда ўртача 700

килограммга етказиб тешиқулча тайёрланапти.

СУРАТДА: жамоа устаси Ольга Глухова билан қолипловчи Зиннат Раупов тайёр маҳсулотни жўнатишга ҳозирланмоқда.

Э. БОТИРОВ олган сурат.

Андижон милицияси: тажриба ва маҳорат

Андижон вилоят Ички ишлар бошқармаси, хизмат соҳалари ва унинг жойлардаги бўлим, бўлинмалари томонидан жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олиш, ижтимоий-сиёсий вазиятни барқарорлаштириш, жамоат тартиби ва ҳавфсизлигини таъминлашга қаратилган кенг қамровли тадбирлар амалга оширилмоқда. Вилоят ҳокимлигининг раҳбарлигида ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорликда, жамоатчиликка таянган ҳолда жиноятчиликнинг ҳолати мўнзаам равишда назорат қилиб турилибди. Жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шарт-шароитлари аниқланиб, уларни бартараф этиш чоралари қўрилмоқда. Бу борада вилоят миқёсида «Тозалаш», «Арсенал», «Қидирув», «Назорат», «Қора дори» ва бошқа тадбирларнинг ўтказилиши ўзининг ижобий самараларини берапти.

Ана шундай амалий чора-тадбирлар натижасида 2000 йилда вилоятимиз барча йўналишлар ва жиноят қидирув соҳаси бўйича содир қилинган жиноятлар сони бирмунча камайди. Айниқса, қотиллик, босқинчилик, фирибгарлик, тўвламачилик, ўғрилик жиноятлари кескин камайди. Шунингдек, ички ишлар идоралари ходимлари томонидан қўрилган профилактик чора-тадбирлар натижасида маст ҳолда содир қилинган жиноятлар, аёллар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликлар ва жамоат жойларида юзага келган жиноятларнинг ҳам камайишига эришилди.

Иқтисодий жиноятларга қарши кураш самарадорлигини оширишга эътибор ҳар қачонгидан қулайтирилди. Оқибатда порахўрлик ўзгалар мулкни ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилиш жиноятлари аниқланмоқда. Ички ишлар идораларининг ташаббуслари билан мулкий турдаги ва шахсга қарши қаратилган жиноятлар ҳам аниқланапти. Шунингдек, ГИёҳванд моддаларни сотиш ва ўтказиш билан боғлиқ жиноятлар ҳам фoш этилмоқда. Масалан, 2000 йили оғир турда содир этилган жиноятлар ўз вақтида фoш қилинди. ГИёҳванд моддаларни ноқонуний айланишига чек қўйиш борасида амалга оширилган ҳаракатлар тўғрисида ГИёҳвандлик билан боғлиқ бўлган жиноятларни ўтган йили 20,9 фоиз жумладан, наркотик моддаларни ўтказиш билан боғлиқ ҳолатларни эса 68,9 фоиз аниқланганига эришилди. Шу ўринда вилоятимизда ГИёҳвандлик ва психотроп моддалар қўшни Қирғизистоннинг Жалолобод ва Уш вилоятлари орқали кириб келиб қолмоқда. Тахлиллар ақсарияти қора оғуни қўшни давлатларнинг фуқаролари олиб ўтишга ҳаракат қилаётганлигини кўрсатмоқда.

Жиноят учун жазо муқаррар. Қўрилган тезкор чора-тадбирлар натижасида очилган таъминланган жиноятлар сони барча йўналишлар бўйича камайтирилмоқда. Номусга тегиш, тўвламачилик, автотранспорт воситасини олиб қочиш жиноятларининг юз фоиз очилиши таъминланмоқда. Олиб борилган тезкор қидирув тад-

гиза Юсувжонов ва уларнинг ўғли Исломбек Абдувоҳидовни ўта ваҳшийлик билан ўлдириб кетган жиноятчилар қўлга олинди, одил судловга топширилди.

Диний экстремизмга қарши кураш борасида олиб борилаётган тадбирлар натижасида бир қанча норасмий диний оқим аъзолари аниқланди. Ашаддий ақида-

ларга қарши кураш борасида олиб борилаётган тадбирлар натижасида бундан ўн йил муқаддам, 1990 йилнинг 29 июль кунини Пахтабод тумани Сангирабод қўчаси 95-уйда яшаган пенсияер Эрғашон Аҳмадалиевага нисбатан қотиллик содир этган жиноятчилар гуруҳи ушлариники, далилий ашёлар олинди.

Шунингдек, аҳоли ўртасида катта шов-шувларга сабаб бўлган Андижон шаҳар, Олтинқўл қўчаси, 114-уйда яшаган опа-сингил Элмира, Гулмира ва Азиза Мамажоновалар, Андижон шаҳар Машраб қўчаси 32-уйда яшаган эр-хотин Одилжон ва Мадина Холдоровалар, Андижон тумани Янгиобод қишлоғида яшаган эр-хотин Аҳмадали Темиров ва Турсун Рахимовалар, Ҳўжабод тумани Ордай қишлоғида яшаган эр-хотин Абдуманноб Абдувоҳидов ва Нар-

мақсадида вилоят миқёсида мўнзаам кенг қамровли «Антитеррор» тадбири ўтказилиши яқин самара берапти. Бу тадбирда асосий эътибор Қирғизистон Республикаси билан чегарадош ҳудудларда тозалаш ишларини олиб бориш, диний экстремистик оқим тарафдорларини ёллаш билан шугулланувчиларни аниқлаш, муқаддам содир этилиб, фoш қилинган қолган жиноятларни очиш, наркотик моддаларни ноқонуний айланишини олдини олишга қаратилган.

Олиб борилган тезкор тадбирлар натижасида бир неча жиноий гуруҳлар аниқланди. Шунингдек, жиноят оламининг «обрудор»лари ҳам ҳисбага олинди. Бундан ташқари муқаддам содир этилган жиноятларнинг очилишига эришилди. ГИёҳвандлик билан боғлиқ бўлган 53

та жиноят аниқланиб, 1,5 килограммдан кўпроқ ГИёҳванд модда топилиди. 29 нафар қидирувдаги жиноятчи ушланди. 5 нафар бедарак йўқолган шахс топилиди. Тоғвар моддий бойликларини ноқонуний равишда республикадан четга олиб чиқиб кетилишининг олдини олишга қаратилган тадбирларда қўлпа ҳолатлар аниқланмоқда. Биргина ўтган йили 6,5 миллион сўмликка яқин озик-овқат маҳсулотлари, 10 миллион сўмликка яқин саноат маҳсулотлари, 13 миллион сўмликка яқин ёқилғимойлаш маҳсулотлари ушлаб қолинди. Бундан ташқари 112 та ҳолатда 4 миллион сўмга яқин рангли металл парчалари қонунсиз равишда республикамиздан олиб чиқиб кетилаётганда тўхтаб қолди. Жами 30 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот четга олиб кетилишининг олди олинди.

Шуни фахр билан айтмиш-ки, ички ишлар идоралари ҳам вилоятимиз меҳнатқашлари томонидан эришилаётган ютуқларга муносиб ҳисса қўлиб келмоқда. Айниқса, бугунги пайхон бўлишининг олдини олиш, етиштирилган галла ва пахта ҳосилларини нест-нобуд қилмай талон-тарожсиз ий-

лашга эришилди. Жазони ўташ ҳолатлардан овоз қилинган шахсларнинг ижтимоий муҳофазалаш, уларга яшаш ва ишлашлари учун амалий ёрдамлар кўрсатилади. Ҳозирда ички ишлар идоралари раҳбар ходимларининг аҳоли ўртасида учрашувлар ўтказиб, ўқувчи ёшлар, талабалар ҳузурда бўлишлари ва унда профилактик ишларимизни тарғиб қилиб бориш мақсадида жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда амалий ишлар қилинмоқда.

Бошқармаимизда кадрларни танлаш, қобилиятига қараб хизмат жойига қўйиш, тарбиялаш, уларнинг касб маҳоратини ошириш, талабчанликни кўмайтириш, намунали хизмат кўрсатганларни муносиб тақдирлаш йўлидан борамиз. Зеро, Андижон милицияси республика миқёсида юқори нуфузга эга. Биз бундан кейин ҳам унинг обрў-эътиборини янада ошириш учун бор куч-гайратимизни сарфлайверамиз.

Дилмурод ОКМИРЗАЕВ, Андижон вилояти Ички ишлар бошқармасининг бошлиғи, милиция полковниги.

ЮРТ ОСОЙИШТАЛИГИ ЙЎЛИДА

бирлари натижасида вилоятимиз ҳудудида содир этилган қатор жиноятлар ўз вақтида фoш этилди. Ушбу жиноятларнинг фoш қилишида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги раҳбарияти ва ходимларининг амалий ёрдамлари салмоқли бўлди. Тезкор хизмат ходимлари томонидан олиб борилган оператив тадбирлар натижасида бундан ўн йил муқаддам, 1990 йилнинг 29 июль кунини Пахтабод тумани Сангирабод қўчаси 95-уйда яшаган пенсияер Эрғашон Аҳмадалиевага нисбатан қотиллик содир этган жиноятчилар гуруҳи ушлариники, далилий ашёлар олинди.

Шунингдек, аҳоли ўртасида катта шов-шувларга сабаб бўлган Андижон шаҳар, Олтинқўл қўчаси, 114-уйда яшаган опа-сингил Элмира, Гулмира ва Азиза Мамажоновалар, Андижон шаҳар Машраб қўчаси 32-уйда яшаган эр-хотин Одилжон ва Мадина Холдоровалар, Андижон тумани Янгиобод қишлоғида яшаган эр-хотин Аҳмадали Темиров ва Турсун Рахимовалар, Ҳўжабод тумани Ордай қишлоғида яшаган эр-хотин Абдуманноб Абдувоҳидов ва Нар-

парастрлар жиноий ва маъмурий жавобгарликка тортилди. Уларнинг ўз ихтиёри билан кечирим сўраб келганлари авф этилиб маҳалларда муҳокама этилди. Улар томонидан содир қилинган жиноятларни очиш, жазони ўтаб келган шахслар билан профилактик тадбирлар олиб бориш ишлари ҳар қачонгидан қулайтирилди.

Қидирувда юрганлардан 36 нафари ушланди. Уларга қарашли жойларда ўтказилган тинтув чоғида 8 та тўпқона, бир қанча жанговар ўқ, 5 та граната, кўп миқдордаги портловчи ва ГИёҳванд моддалар олинди. 1994 йилдан қидирувда бўлган 1978 йилда турилган А. Чуриков, 1995 йилдан қидирувда бўлган 1968 йилда турилган А. Турғунвалар қидирув тадбирлари натижасида ушлариники тергов ишлари олиб борилмоқда. Ушланган ва ҳисбага олинган экстремистик оқим аъзоларидан саккиз миңга яқин норасмий диний адабиётлар, китоб, брошюра ва журналлар, варақалар топилиди.

Тезкор вазиятни назоратда бўлишини таъминлаш

мақсадида вилоят миқёсида мўнзаам кенг қамровли «Антитеррор» тадбири ўтказилиши яқин самара берапти. Бу тадбирда асосий эътибор Қирғизистон Республикаси билан чегарадош ҳудудларда тозалаш ишларини олиб бориш, диний экстремистик оқим тарафдорларини ёллаш билан шугулланувчиларни аниқлаш, муқаддам содир этилиб, фoш қилинган қолган жиноятларни очиш, наркотик моддаларни ноқонуний айланишини олдини олишга қаратилган.

Олиб борилган тезкор тадбирлар натижасида бир неча жиноий гуруҳлар аниқланди. Шунингдек, жиноят оламининг «обрудор»лари ҳам ҳисбага олинди. Бундан ташқари муқаддам содир этилган жиноятларнинг очилишига эришилди. ГИёҳвандлик билан боғлиқ бўлган 53

та жиноят аниқланиб, 1,5 килограммдан кўпроқ ГИёҳванд модда топилиди. 29 нафар қидирувдаги жиноятчи ушланди. 5 нафар бедарак йўқолган шахс топилиди. Тоғвар моддий бойликларини ноқонуний равишда республикадан четга олиб чиқиб кетилишининг олдини олишга қаратилган тадбирларда қўлпа ҳолатлар аниқланмоқда. Биргина ўтган йили 6,5 миллион сўмликка яқин озик-овқат маҳсулотлари, 10 миллион сўмликка яқин саноат маҳсулотлари, 13 миллион сўмликка яқин ёқилғимойлаш маҳсулотлари ушлаб қолинди. Бундан ташқари 112 та ҳолатда 4 миллион сўмга яқин рангли металл парчалари қонунсиз равишда республикамиздан олиб чиқиб кетилаётганда тўхтаб қолди. Жами 30 миллион сўмликдан зиёд маҳсулот четга олиб кетилишининг олди олинди.

Шуни фахр билан айтмиш-ки, ички ишлар идоралари ҳам вилоятимиз меҳнатқашлари томонидан эришилаётган ютуқларга муносиб ҳисса қўлиб келмоқда. Айниқса, бугунги пайхон бўлишининг олдини олиш, етиштирилган галла ва пахта ҳосилларини нест-нобуд қилмай талон-тарожсиз ий-

лашга эришилди. Жазони ўташ ҳолатлардан овоз қилинган шахсларнинг ижтимоий муҳофазалаш, уларга яшаш ва ишлашлари учун амалий ёрдамлар кўрсатилади. Ҳозирда ички ишлар идоралари раҳбар ходимларининг аҳоли ўртасида учрашувлар ўтказиб, ўқувчи ёшлар, талабалар ҳузурда бўлишлари ва унда профилактик ишларимизни тарғиб қилиб бориш мақсадида жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда амалий ишлар қилинмоқда.

Бошқармаимизда кадрларни танлаш, қобилиятига қараб хизмат жойига қўйиш, тарбиялаш, уларнинг касб маҳоратини ошириш, талабчанликни кўмайтириш, намунали хизмат кўрсатганларни муносиб тақдирлаш йўлидан борамиз. Зеро, Андижон милицияси республика миқёсида юқори нуфузга эга. Биз бундан кейин ҳам унинг обрў-эътиборини янада ошириш учун бор куч-гайратимизни сарфлайверамиз.

Дилмурод ОКМИРЗАЕВ, Андижон вилояти Ички ишлар бошқармасининг бошлиғи, милиция полковниги.

ТАЛАБАЛАР АНЖУМАНИ

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг тарих факультетининг «Маънавият ва тасаввуф» мавзусига бағишланган илмий анжумани бўлиб ўтди. Факультет маъмуриятининг ташаббуси билан профессор Махмуджон Нурматовнинг бевоситаси илмий раҳбарлигида ўтказилаётган бу анжуман ёшларнинг бугунги ҳаётий талабаларга жуда зўкколик билан қараб, илм фанини эгаллаётганликларини кўрсатди.

— Бу анжуманининг ўзига хослиги шундаки, — деди уни очган факультет декани муовини Абдор Хидиров, — бу мулоқот 2-курс талабалари билан ўтказилмоқда. Бунда маърузачилар талабаларнинг ўзларидир. Авваллари бундай анжуманлар юқори босқич талабалари билан ўтказилар эди.

Ҳақиқатдан ҳам, бу тадбир факультетимиз талабалари ҳаётида янги воқеа бўлиб, у давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг «Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда» сингари қатор асарларидаги ҳаётбахш ғоялар асосида ўтказилди.

Талабалардан Соғиндиқ Турматовнинг «Президентимиз Ислом Каримовнинг «Юксак маънавиятсиз келажақ йўқ» номи асарига миллий маънавиятнинг акс этиши», «БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида мамлакатимиз раҳбари қилган маърузада маънавият масалалари», Сурайёхон Тошевнинг «Сохибқирон Амир Темур ва ўзбек миллий маънавиятининг тараққиёт тарихи», Маъруф Вихобовнинг «Нажмиддин Комилонинг «Тасаввуф» номи асарига баркамол инсон масаласи» сингари маърузалари анжуман иштирокчиларини мунозарага қорлади. Бир сўз билан айтганда, тарихчи талабалар иждоий изланиш йўлидан бориб, маънавият ва тасаввуф муаммоларига доир билимларини илмий чигирикдан ўтказдилар.

Нурбек ОДИЛОВ, талаба.

Қадимги қонунчилик тарихи СЎҒДЧА НИКОҲ, ШАРТНОМАСИ

Маълумки, Шарқ цивилизациялар, хусусан қонунчиликнинг ватани ҳамдир. Машриқнинг ўзига хос тараққиёти, Урта Осиёнинг ҳам четлаб ўтмаган. Цивилизация ўчоқларидан бўлиши она юртимизда қадим замонлардан бери инсон ҳуқуқлари ҳимоя қилиниб, унинг қадр-қиммати эъозланиб келинади. Ушбу фикримизга сўғд ҳужжатлари гувоҳлик беради.

Сўғд архиви деб юритилувчи ушбу мажмуа VII аср охири ва VIII аср бошларига оид бўлиб, 80 га яқин ноёб ҳужжатларни ўз ичига олади. Бундан салкам 1300 йил бурун, балки ундан ҳам аввал Сўғдда амал қилинган бу қонунлар 1932-33 йилларда олимлар томонидан тадқиқотлар даврида топишган. Сўғд ҳужжатларини илмий доирага киритишда тарих фанлари доктори Мирсодиқ Исҳоқовнинг хизматлари каттадир. Ушбу архив маълумотларидан биз юртимизнинг қадим давлатчилик тарихи ҳақида аниқ тасаввурга эга бўла оламиз. Ҳужжатлар орасидаги Сўғд никоҳ шартномаси айниқса диққатга сазовордир. Ҳайратланарлиси шундаки, никоҳ шартномалари тузиш одати юртимизда қарий бундан 1300 йил аввал шаклланган экан.

Ҳужжатларда оила қургач келин ва кўёв олдига турган мажбуриятлар, никоҳ бўзилган тақдирда ҳар икки томон олдидagi мажбуриятлар, масаланинг молиявий томони аниқ кўрсатилган. Сўғд архив ҳужжатлари орасида Уттакин исми йигит ва Чата лақабли Дудгунча исми қизнинг ўртасидаги тузилган никоҳ шартномаси маъжуд. Ҳужжат Тархун подшоҳининг ўзинчи йилида Уттакин исми йигит Дудгунча исми Чата лақабли қизни ўз никоҳига олиши тўғрисидаги сўзлар билан бошланади. Унда «Т

Бугун улуг мутафаккир шоир, ўзбек мумтоз адабиётининг асосчиси, шеърят мулкининг султони Алишер Навоий таваллуд тоғанига 560 йил тўлди

НАВОИЙ РУҲИ ЖАҲОН КЕЗАДИ

Алишер ўн-ўн икки ёшларидаёқ илк шеърлари билан маълум бўлиб, катта санъаткор ва олимларнинг диққатини ўзига жалб қилган эди. Унинг «Мажолис-у-нафос»ида айтишича, ўша ёшида машҳур кекса Миршохий билан хат ёзишиб турган. Хондамирнинг хабар беришича, ёш Алишернинг истеъдодидан мамнун бўлган мавлоно Лутфий унинг:

Оразин ёпқоч, кўзимдан сочилиур ҳар лаҳза ёш,
Бўйлаким, пайдо бўлиур юлдуз, ниҳон бўлгач қўёш

матлабли газалини тинглаб, «агар муяссар бўлса эди, ўзимнинг ўн-ўн икки минг форсий ва туркий байтиمنى шу газалга алмаштирдим...» деган.

Навоий «Бир соатлик АДОЛАТ олтинчи йиллик ибодатдан афзал» деган сўзларга амал қилиб, амирлик тақдирини ўзининг муборак қадими билан зийнатлади. Жабр-жафо рақамларини даврон саҳифасидан маҳв қилиб АДОЛАТ ва ИНСОФ эшикларини инсониятга очиб қўйди. Яраланган давр жароҳатларига малҳам қўйиб, нур алам даҳр касалларига АДОЛАТ билан шифо бахш қилди.



Улуг зот ҳаётидан АСЛОДАЛАР МАЖЛИСИ БЕЗАГИДИР

Бу улуг амирнинг (Алишер Навоийнинг) мақбул табиати ва мулоим феъл султони жанобларига яқинлик, муулмонларнинг муҳим ишларига қафиллик, шарият ва суннат, мулку миллат ишларини равақ эттириш билан банд бўлса ҳам ҳаммиса фазилат ортириш, илм билан машғул. Унинг ҳаммаҳасиллари хуш-табъ, фозил кишилардир. Унинг мақбул хотирини аҳли дилдан ўзгани истамасди, оғир табиятлар унинг ҳиммат назарига енгилтак бўлиб қўринадилар, ноҳиллар йиғинларига бормайди... Унинг туркийча, форсийча шеърлари мақбул табиати ҳулосаси, дилни тилка-пора этувчи муаммоларни латиф фикрининг хосса-сидир. Унинг мавж уриб турган билим дарёси манзумо соҳа дурларни ҳар неча кунда бир марта (қирғоққа) қочиб турибди ва илм аҳли уни қулқоқларига олиб, балки оқил кишилар у билан қулқоқларини беэзаб турибдилар... Улуг амирнинг туркий девони султонлар, аслодалар мажлиси беэзагидир. Навоиси наво беэзагиде ушқоқи бенаволарни тўғри йўлга солиб қўйди. Мухолифлар унинг қалами гижирлашидан мағлуб, хусравийни оҳанги Султон Хусайнга мақбул-дир.

Давлатшоҳ САМАРҚАНДИЙ.

ҲАЙРАТ ДЕНГИЗГА ЧЎМДИЛАР

Бир кун ҳидоят насаб-ли Амир (ҳазрат Алишер Навоий) аср намозини адо қилгандан сўнг, кундалик одағга қарши, намозда бўлмаганларни сурштиришга киришмай, тез сурьат билан ўзининг хусусий боқчасига қараб йўлланди ва бирор жойда тўхтамадан етиб борди. У оқсдан Амир олдига бўлган одамлар хайрон бўлишди. Олий ҳазрат улардаги бундай фикрни англаб, гавҳар соҳуви тил билан шундай деди:

— Мен масжидга келаятганимда фалон жойда таҳорат қилган эдим, намоз сафиде турганимда елкамда бир чумоли кўрдим. Билдимки, таҳорат қилган жойда у менга илашган экан. Мабодо у менинг елкамдан тушиб, озор топса ва ўз уясининг йўлини тополмас ва шу сабабдан уволдига қоларман, деб кўрдим. Шунинг учун, намоздан кейин тезлик билан таҳорат олган жойга бориб, уни уш оғизга қўйдим ва озор етказиш тавишидан кутулдим.

Олий ҳазратнинг хизматидан бу хикояни эшитгандан кейин, унинг гоят раҳмдиллигиндан ҳайрат денгизига чўмдилар ва тилларини дуога ва раҳматлар айтишга очдилар.

Навоий ҳикмати ҚАНОАТ

Қаноат — бир чашмадирки, олган билан унинг суви қуримайди, бир хазинадирки, ундаги бойлик сочилиган билан камаймайди. Ҳар ким қаноатга одалган бўлса шохлик — гадоллик тавишини билмайди. Қаноат бир чўққики, унга чўққанг, дўст-душманга муҳтожликдан ҳалос бўласан. Қаноат ҳокимликларда, натижадан оқсатлик, муҳтожликнинг фойдаси эҳтиётсизлик. Қаноат экиндр, уруғи — бойлик, дарахтдир — меваси муҳтожсизлик, майдир — аякчи, лексин наъласи шодландирувчи, йўлдир — қаттиқ, лексин барор манзили севинтирувчидир.

САВДОГАР

Савдогар фойда қиларман, деб ўзинг қаттиқ машаққатга қўямаслиги, мол ва пул қўяйтирмаман, деб жонсарак бўлмаслиги керак. Унинг тортиган қийин-қийинлари тиркичилиги яхши ўтиши учун хизмат қилса ва толган фойдаси кўнгли фароғати учун сарфланса ақил бўлади. Шаҳар олибсотари хизматчи, ўз фойдасини қўйган ҳолда, элга қаҳатчилик тилайди, унинг мақдаси — элга эиен етказиш, орасуи — арзон олиб қиммат сотишдир. Дўконда инсофдан бўлак ҳамма мато мавжуд.

«Мақбул-ул-қулуб» асосида Бахтиёр ОМОН тайёрлаган.

ҲАЙРАТГА СОЛГАН ҲАЗРАТ

Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университетиде Алишер Навоий таваллудининг 560 йиллигига бағиш-лаб илмий-амалий анжуман ўтказилди. Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти билан ҳамкорликда ўтказилган анжуманда улуг бобомизнинг руҳлари шодумон кезаётгандек туюлди менга. Негаки, бешинчи синфда ўқийтган фарзандимдан нари борса беш-етти ёш каттароқ опа-акалари Навоий бобомиз даврига қибсан миллий либослар кийганча бурро сўзлашар, унинг газалларидан инглиз, француз, немис, рус, испан, араб ва бошқа дунёвий тилларда намуналар айтишарди! Дунёвий шоиримиз шу биргина залда дунё-ни забт этаётгандай эди менинг наздимда!..

Анжумани университетнинг ректори, профессор Жамолддин Буронов кириш сўзи билан очаркан, барчани қўлуг сана муносабати билан самимий табриклади ва «Алишер Навоий Типология фанининг асосчиларидан бири» мавзуда маъруза қилди. Таниқли олим буюк бобоклонимизнинг фан соҳасидаги илмий изланишлари, кашфиётлари ва бой меросининг бугунги кундаги аҳамияти ҳақида таҳлилий, мушоадала фикрларини баён этди. Кўпчиликда катта қизиқиш уйғотган бу мавзу бахс-мунозараларга уланди...

Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти директори, Беруний мукофоти совриндори, профессор Тўра Мирзаев мумтоз адабиётимиз султони асарларининг академик нашри ҳақида сўзлади. Нега замонлардан бери барчани ҳайратга солиб келаятган ҳазрат Навоий газаллари, достонлари сеҳрини тушуниш, мазмун-моҳиятини чуқур англаб етиш, ҳис этиш учун киши чинакам филолог, таржимануш ва тилшунос, тасавуфчи олим бўлмоғи лозим. Навоийнинг қай бир сатрига назар солсанг, унинг замридаги олам-олам маъноларни англаш, ҳайратга тушмай илоҳи йўқ, «Алишер Навоий ва замонамиз» мавзусида маъруза қилган филология фанлари доктори, профессор Нажмиддин Комилов мутафаккир шоирнинг айрим газалларини шарҳлаб, маъноларини ифодали тушунтириб берди.

Замонасининг энг илгор сиймоларидан саналган Алишер Навоий улкан давлат ва жамоат арбоби ҳам бўлгани яхши маълум. У дўсти Хусайн Бойқоро саройида муҳдор, вазир лавозимларида фаолият кўрсатган. Шуниси эътиборга моликки, Навоийнинг қўллаб-қўлдоғи бўлган муҳдор билан бирга давлат ишларига дахлдор айрим ҳужжатлари, хусусан, буюк бобомиз муборак қўллари билан босган муҳрлари нусхалари ҳам бизгача етиб келган! Ана шундай нодир ҳужжат нусхалари жамланган тўламини Жаҳон тиллари университетига тўхфа этган атоқли навоийшунос олима Сўйима Ғаниеваннинг «Алишер Навоий насрий асарлари сеҳри» мавзусидаги маърузаси барчада қизиқиш уйғотди.

Халқро журналистика факультети декани, доцент Сайди Умиров «Алишер Навоийнинг насрий асарларида мақолана-вислик унсурлари» деган мавзуда маъруза қилди.

Буюк шоир ижодининг турли кўралари ҳақида сўз юритишган навоийшунос олим Ёқубжон Исоқов, аспирант Дилбар Мухаммадалиева ва бошқаларнинг чиқишлари ҳам анжуман иштирокчиларида катта таассурот қолдирди. Юқорида таъкидлаганимиздек, мазкур олий ўқув юртида тахсил олаётган истеъдодли талабаларнинг жаҳон тилларида айтган газаллари, Навоий газаллари билан ижро этилган қўшиқлар, нафис рақслар дилларга ором, даврага эса ўзгача шухуш бахш этди.

Жаҳон маънавий хазинасида ўзига хос машъал бўлган Навоийнинг покдамон руҳи абадул-абад мағрибдан машриққа нуру зиё таратаётганга ўхшайди гўё! Бу энди ҳаётини воқеликка айлантириш шубҳасиз. Негаки, буюк шоир меросини бугунги авлодлари жаҳоннинг турфа тилларига ўғириб, дунёга таратишлари шубҳасиз! Бой маънавий меросимизга, алалхусус, Навоий ижодига ва унинг сеҳрли сиймосига бўлган қизиқиш бугунги ёшлар қалбига ҳам кучайиб бормоқда. Ўн йилча бурун устоз Нажмиддин Комиловнинг ҳазрат Алишер Навоий ижодига бағишланган туркум мақолаларини мутолаа қилиб, айрим иборатомуз ибораларини ён дафтарида қўйиб, айрим иборатомуз синфда ўқийтган ўғлим Улугбек ун ўз дафтарига қўчириб олибди. Демак, бу битиклар унинг тенгдошларига ҳам, беш-олти ёш каттароқ талаба ака-опаларига ҳам жуда қадрли бўлса керак. Шу муносабат билан муктарам домламит ижодидан кўчирилган битиклардан «Адолат» газетаси муштарийларига ҳам илтидик.

• Яхши инсонни севиш — ҳаётни севиш, ҳаётни севиш — ҳақиқатни, ҳақни севиш демакдир. Буюк Навоий ҳаёлотиде этилган Жонон образида бу тушунчаларнинг бари муҷассам.

• Навоий эътиқод қўйган фалсафий таълимотиға бинван, олам азалий ва абадий ягона руҳнинг ўз-ўзини севиб, ўз жамолини томоша қилиш истағидан пайдо бўлган кўзғудир.

• Тасавуф Навоийга жаҳолатдан қутулиш, дунёни билишга чанқок юракни маълум даражада тинчлтишга қўмак берган.

• Навоий ақлу заковати ҳайратланарли, қилни қирқ ёрувчи қишлар ичиде нафс домига тушган, зулм ва бақирдорлиги билан машҳур бўлганларни кўп кўрган эди. Шунинг учун улуг инсонлар шoir ахлоқий фазилатлар тарбиясини биринчи ўринга қўядиким, бу ҳам тасавуфнона мурожаат этишга олиб келарди. Зеро, тасавуф бутун эътиборни айнан инсон ахлоқини поклашга қаратиб, шу мақсадда турли йўл-йўриқлар, амалий тадбирлар ишлаб чиққан эди. Тасавуф одами ижодини билан юзма-юз қўйиб, ўзи ҳақида уйлашга мажбур этар, ҳақиқат ва эътиқод поклиги руҳида тарбияларди.

• Тасавуф, айниқса, Жомий ва Навоий мансуб бўлган нақшбанди таълимоти қаноат ва тийилишни талаб этсада, бирок дунё гўзаллигидан ҳузурланишни инкор этмаган.

• Алишер Навоийнинг ақсар газалларида зоҳирий ва ботиний маъно, «дунёвий ишқ» билан «илоҳий ишқ», бошқача айтганда, «мажозий» маънолар билан «ҳақиқий» маъно бирга қўшилиб, бири иккинчисини тақозо этиб келади.

• Навоий даврида илохталаб дарвешлар, ориф солиқлар дунё роҳатидан воз кечиб, маънавий сирини кашф этиш учун кечалари ухламай, зикр айтиб чиқар, бутун уяждилар, қалб-шуурларини шу мақсадга қаратиб, сидқидилдан мутлак руҳ сари интилаганлар.


• Алишер Навоийнинг улугворлиги шундаки, унда зоҳирий ва ботиний маънолар, яъни ишқи илоҳий ва ишқи мажозий ифодалари бир-бирига ҳақлақит бермайди, балки бир-бирини тўлдириб, қувватлаб туради.

• Алишер Навоийнинг ҳар бир газали ўзига хос ёндошиш, ўзига хос таҳлил ва тафсир усулини тақозо этади, чунки ҳар бир газал алоҳида руҳий ҳолат, алоҳида бадний фикр ва ҳис-туйғулар ривожини ифодалаб келади, таъсир тараф, санъатлар мунтазамлиги ва мунтамослиги ҳам шунга мувофиқ.

• Навоий ҳудди сон-саноксиз усул-йўллари ёд биланган, ҳар гал янги, ҳайратланарли юришларни уйлаб топиб, галабага эришадиган шохмотчи мисол иш тутайди.

• Ишқ водийси — илоҳий даргоҳ ҳузурини бир-бирдан ажралган дўстларнинг васлга эришадиган, дийдор кўришадиган жойи. Инсон руҳи ўз маҳрамини излаб топади. Навоий ва унинг замондошларининг ишонч-имони шундай эди.

Тўлқин ЭШБЕК, ёзувчи.



Ҳазрати Навоий ўзининг «Ҳамса» асарини тўғаллаб, дўсти Хусайн Бойқорога тақдим этганда, бундан тўнқиланган шох ҳазратни ўзининг оқ отига индириб саройини айлантириб сарой аҳллари ўртасида улуг шоирни кўқларга кўтарди. Бундан ажабланганларга улуг шох шундай деди: — Мен давримнинг султониман. Алишер Навоий эса шеърятнинг султони-дир. У келажакда ҳам шундай бўлиб қолади. Мусаввир Махмуд ЖУРАЕВ.

Бу гулишан аро...

Шоир Тўра Жуман ўзининг турли-туман шеърлари билан бир қаторда газалнавислиги билан ҳам ўқувчиларга яхши таниш. Айниқса, унинг машҳур мумтоз шоирлар газаллари билан муҳаммадлирига оғизга тушган. Тўра Жуман Навоий газалларига элликта, бошқа шоирлар газалларига эса олтимишга яқин муҳаммадлири билан қўйиладиган биринчи сиз азиз газетчоллар ҳукмига ҳавола этамиз.



МЕҲРИБОНЕ ТОПМАДИМ

Юрт кезиб Ширин, Лайлидек жонане топмадим, Тили, дили доимо бир қоши ёне топмадим. Ой, йил ўтса-да булутсиз, соф осмон топмадим. Мехр кўп кўргуздум, аммо меҳрибоне топмадим, Жон баса қилдим фидо, ороми жоне топмадим.

Висол чоғин қилдим орзу ва лекин улғурмадим, Қўл ушлашиб сўхбат қилиб сўлум боғда юрмадим. Ноҳақ сўзини эшитсамда, мен ёмон гапирмадим. Ғам билан жонимга еттим ғамгусоре кўрмадим, Ҳажр ила дилхаста бўлдум, дилистоне топмадим.

Ҳаётда кўп хавф-хатарга дуч бўлиб қолур бу жон, Гоҳо босур қайғу тоғи, гоҳ қулиб қарайди шон. Гоҳо йр лабзин бузиб зор қилур, дўстим, ишон. Ишқ аро юз минг маломат ўқига бўлдум нишон, Бир камон абрўда тузлуқдин нишоне топмадим.

Дунёнинг минг хил савдоси, можароси бор экан, Баъзан тор жой кенг туюлур, баъзан олам тор экан. Содда дил деб танлаганим тулқидек айёр экан. Қўнғлум ичра сарв ўқдур, гунча пайкон, гул тикан, Даҳр боғи ичра мундоғ гулистоне топмадим.

Севги боғида кезибон, бахт мевасин термадим, Келмадинг ҳеч не қилайин, совғамни ҳам бермадим. Зор айладинг, байрам чоғи бир дам сўхбат кўрмадим. Хусн мулки ичра сендек шохи золим кўрмадим, Ишқ кўйида ўзумдек нотавоне топмадим.

Тушимда чол: «Севши азоб», — деди ушлаб ҳассасин, Сўнг эсладим қанча-қанча ошқикларинг гуссасин. Хотирладим «Тоҳир-Зухра» қиссасининг ҳиссасин. Кўп ўқидим Вомиқ Фарҳоду Мажнун қиссасин, Ўз ишқимдин буюк ажаброт дўстоне топмадим.

Ҳикматга тенг сўз ушбуди: «Севши эмасдур айб», Айб эмасдур ҳар бир ошқик бахт қушин қилса сайд. Қани эрди мурод ҳосил бўлиб мен ҳам қилсам қайф. Табъ ганжиндин маони хурдасин, юз қатла хайф, Ким нисор этмакка шохи хурдадоне топмадим.

Кўрурманму бир бор дея бозорларда жарчимен, Тўра, севгилим кўйида дуторчимен, торчимен. Армон қолмас эрди бўлсам базмада отарчи мен. Ул амон ичинда бўлсун, эй Навоий, гарчи мен, Бир замон ишқида меҳнатдин амоне топмадим.

«НАВОИЙ ЛИРИКАСИ РАССОМЛАР ИЖОДИДА»

Пойтахтимиздаги муҳташам «Туркистон» саройида буюк мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 560 йиллигига бағишланган ана шундай мавзудаги кўргазма очилди.

Ўзбекистон Бадий академияси ташкил этган мазкур кўргазмада республикамизнинг таниқли рассомлари ҳамда ёш ижодкорларининг турли йилларда яратилган 50 дан ортиқ тасвирий санъат ва графика асарлари намойиш этилмоқда. Уларда улуг бобоклонимиз ҳаёти ва ижоди, сафдошлари, замондошлари, Теуриўлар даври воқеалари ўз аксини топган. Бу асарлар орасида Чингиз Аҳмаров ва Қўлуғ Башаровнинг Навоий достонлари асосида ишлаган расмлари, Темур Саъдуллаев каламига мансуб Алишер Навоий, Хусайн Бойқоро портретлари, Саъдулла Абдуллаттевининг «Навоий ва Хусайн Бойқоро», Азиза Маматованин «Мир Алишер Навоийнинг қузғи ҳаёллари» картиналари бор.

ВАЗИРЛИҚДА НАВОИЙЖОНЛИК

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигида буюк мутафаккир шоир, газал мулкининг султони Алишер Навоий бобомизнинг 560 йиллик юбилейи муносабати билан тадбир бўлиб ўтди. Тадбир профессор А. Каюмов, Ж. Жаббаров каби кўплаб навоийшунос олимлар, эл севган шоирлар, Халқ артисти Е. Аҳмедов бошчилигида Ҳамса номидаги Академик драма театрининг таниқли артистлари ва республикамиз аҳолисига мумтоз куй-қўшиқлари билан манзару бўлиб келаятган кўплаб санъаткорлар иштирок этидилар.

Тадбирда буюк алломаниннг ўзбек тилини дунёга келишидаги меҳнатлари таъкидланди, Ватанга муҳаббат, сеvgи, садокат, адолат ва тинчликпарварлик мавзусларидаги газаллари ўқилиб, қўшиқлари ижро этилди. Тадбирни таниқли санъаткорлар Ш. Исmoilова ва М. Исmoilов олиб бордилар.

Моҳият жиолари БОЛАЛИКНИНГ БЕТАКРОР МАНЗАРАЛАРИ

Ҳазрати Навоий болалик чоғларида улуг авлиё шоир Фариддин Атторнинг «Мантиқ-ут-тайр» деган достонини ёдлагани ва бу китобдан ниҳоятда таъсирланиб ўз билан ўзи овора бўлиб қолганлиги кўпчилик адабиёт мухлисариға аёндыр, балки?..

Ёш Алишернинг ота-онаси бу кетишда савдойи бўлиб қолмасин дея унинг қўлидан китобни тортиб олиб яширадидлар. Лекин Алишер китобни бошидан охиригача ёдлаганди. Ҳар бир байтини яширинча тақорлаб юрарди, бундан бошқа билан ишқ эди. У орадан ана йиллар ўтгандан кейин бу воқеа хусусида «Лисон-ут-тайр» достониде ёзади:

Онглағач атфол айлаб шўру шайн, Истимоеъ этти бу сўзни волидайн.

Ваҳми голиб бўлди андоқким авом Ки эрур сўз — оташину, табъ — хом.

Бўлмағайким даст бергай телбалик, Чеқкулук бўлғай салоҳидин илик.

Ёшуриб дафтарни маъдум этиллар, Шўғлидин кўнғлумни маҳрум этиллар.

Манъи қулли қилдилар ул ҳолдин, «Мантиқ-ут-тайр» узра қийлу қолдин.

Чун ародин ўтти бир аҳли баъид, Бўлдилар ул ҳолатимдин ноумид.

Лек чун ёдимде эрди ул калом, Ёшурун тақорр этайр эрдим мудом.

Ондин ўзга сўзга маълум оз эди, Қуш тили бирла кўнғул ҳамроз эди.

Унинг шундай ҳолатга тушушини нима билан изоҳлаш мумкин? Умуман, нега болалар беҳад таъсирчан бўладилар? Нега ҳар бир нарсга, ҳар бир ҳодиса уларнинг қалбиде чуқур из қолдиради?

Келинг, ана шу саволларга баҳоли қудрат жавоб топишга ҳаракат қилиб кўрайлик. Доимо эдиётган тўғони ичиде яшовчи одамизод болалик онларини эсласа, кўз олдиде ёрқин бир манзара намойн бўлади. Хотирасида муҳрланиб қолган азиз ва ранг-биз болалигини соғинади. Унинг камалакмисол ранг-баранглигини хис этади.

Болалик шафқоф туйғулар билан сурғорилган гулзордир. Бу гулзор шунчалар тароватлики, унга яқинлашган ҳар қандай одамнинг холи паршон бўлади. Ҳеч эътибор берганимиз: болаликни нигоҳи қанчалар покиза эканлигиға. Нақадар тийрак ва зийрак эканлигиға. Унинг ана шу нигоҳи ранг-ранг Табиатнинг жозибали манзаралари ва беқиёс ҳодисаларига тушганда беҳитиёр қолар кетади.

У ана шу нигоҳи-ла гуноғун Табиат гўзаллигига маҳлиё бўлади.

Ундан ҳайратланиб завқланади. Ундан завқланиб ҳайратланади. Қийғос очилган Мухаббат қат-қатига сурурли Оҳанги-ла даста-даста роҳатбахш Нур сизиб қиради. Гўзаллик шу йўсинда юракда зухурланади. Гўзаллик зухури-ла чайилган юракка Бақо томчиси томади.

Ва Бақо томчисиға Моҳият чулганарди. Ва бундан ёлқинланган юрак бағрида Мухаббат чечак-лайди.

Бу Мухаббат руҳафзо инжулар дарёсидан сув ичади. Бу Мухаббат умидбахш ҳаёл насимини эмади. Ундан ифорлар йғайди.

Ниҳоят жозиб Мухаббат қийғос очилади. Ва шунда осмон пештоқида чамқок қақиб ярақлаб кетгандек бўлади.

Ва шунда гумбаз остидеги замин қалтираб кетгандек бўлади.

Чексиз коинот сандиғи очилиб кетгандек бўлади гўё шунда.

Олис-олислардан учқур Само оти етади Нур қуюлиб келади ва солим Борлиқни чўмилиради.

Қийғос очилган Мухаббат қат-қатига сурурли Оҳанги-ла даста-даста роҳатбахш Нур сизиб қиради.

Қийғос очилган Мухаббат қат-қатига мўъжиз Оҳанг-Нур жимирлаб сингади.

Ногаҳон Мухаббат қатидан ажиб бир учқун чакнаб чиқади. Кейин ажиб учқунлар қақнаб чиқа бошлайдилар. Ва улар тарам-тарам бўлиб юрак тубидаги ўт уяларига туша бошлашадилар. Ва тўсатдан юрак қасриға ўт кетади... Яна ҳазрати Навоийға қайтайлик. Ул зот умр бўйи «Мантиқ-ут-тайр»дан таъсирланиб юрди. Умир адоғида эса «Мантиқ-ут-тайр» достонига жавобия тарзида «Лисон-ут-тайр» китобини ёзди.

«Лисон-ут-тайр» достони ниҳоятда Қақнус деган қуш ҳақида ҳикоя келтирилади. Бу қуш ўрмонда яшаб, умр бўйи ўтин яйғиш билан машғул бўлар экан. Умрининг адоғида эса йиққан ўтинларидан хирмон уяр ва унинг устиға чиқиб олиб сайраб бўшлар экан. У чўнамон сайрашканки, сайроғидан хирмонға ўт кетар экан. Хирмон билан бирга сайраётган Қақнус ҳам ёниб кетар экан:

Чун навоисға етишти интихо, Сўнра тортиб бир ажиб ўтлуқ наво.

Солур эрмиш ул улук хирманға ўт, Сокин ўлган манзилу масканға ўт.

Ўт алам тортар эмиш афлокка, Барқ тушгандек хасу хашакка,

Ул ўтун ёнгандек, ул куш ҳам ёниб, Парлари яфроғлардек ўртаниб.

Ҳам ўзи, ҳам ул ўтунлар қул бўлуб, Юз туман жуз ул қуярдин қул бўлуб.

Кизиғи шундаки, хирмон уюми буткул ёниб бўлиб култе-лага айланган, унинг остидан Қақнус боласи чиқиб кўлар экан. Ҳазрати Навоий Фариддин Атторни Қақнусға, ўзини ўша Қақнус боласига ўхшатганини баён қилади «Лисон-ут-тайр»да.

Мен деманким, ул — атодур, мен — ўғул, Ул — шаҳи олийсифот, мен — банда, қул.

Одамизод дунёга ош-нон ейиш учун келмайди. Одам боласи дунёдан ўтиб кетган



ЕТТИ ИКЛИМ САДОСИ

Турфа олам ОЙГА УЧАСТКА ҚУРМОҚЧИМИСIZ? МАРҲАМАТ!

Бу ҳазил эмас! Россия Ой элчихонаси Ой, Марс, Зурху сайёраларидан участка сотиб олиш ёки бирор кишига совға қилиш мумкинлигини билдирди. Элчихона ходимларининг айтишича, бу ерда ҳеч қандай алдов йўқ, 1980 йил ноябрдан бери Ойда 80 минг, Марс ва Зурхуда 8 мингдан ортиқ ер участкаси сотиб бўлинди. Россиянинг ўзида машҳур ёзуви ва артистлардан Семён Алтов, Александр Розенбаум, Олег Басилашвили, Юрий Шевчук ва бошқалар аллақачон Ойнинг «фукаролари»га айланишган. Уларнинг сони ҳозиргача 290 кишига етди. Ой сатҳидаги 1777 акр (7 сотихдан ортиқроқ) ер 99 доллар турлади. Зарур ҳужжатларни расмийлаштириш баҳоси бунга кирмайди...

ТЕЛЕВИЗОР — ТУРМАШ КУШАНДИСИ

Чехия Фанлар академияси инсон саломатлиги институти олимлари ҳайратомуз хулосага келдилар: мамлакатда телевизор кўришга ишқибозлик туғилиши кескин камайиб туриб юбораётганмиш. Уларнинг фикрича, уйку олданан икки соатгина телевизор кўриш эрхотинчиликка ҳафсала қолдирмаётган экан. Олимлар кейинги 50 йил ичида ривожланган мамлакатларда туғилишнинг кескин камайиб кетганини ҳам шундан кўришяпти. Яқин ўн йилликда ҳам Фарония ва Марказий Европа, Япония ва АҚШда туғилиш шиддатли камайди, деган гаплар бор.

МОСКВАДА ҚАНЧА ЎЗБЕК БОР?

Россия пойтахти Москвада 130 миллион вакиллари яшайди. 1994 йилдаги маълумотларга қараганда, уларнинг салмоғи фоиз ҳисобида қуйидагича бўлди: Руслар — 90,5 фоиз, украинлар — 2,4, татарлар — 1,9, яхудиёлар — 1,5, белоруслар — 0,7, арманлар ҳам шунча фоиз, мордвалар, озарбайжонлар, грузинлар — 0,3 фоиздан, чувашлар — 0,2 фоиз, ўзбек ва қозоқлар — 0,1 фоиздан, молдован, поляк, немислар ҳам деярли шунчадан фоизни ташкил этади.

РЕЙҲАН ВА НЕНСИ

5 февралда Америкада Қўшма Штатларнинг собиқ Президенти Рональд Рейган 90 ёшини қаршилади. Журналистларга интервью берган Ненси хоним: «У ўзини яхши ҳис қилмоқда. Илгаригидек бошида сочлар сароб», деб айтган. Шунга таъкидлаш лозимки, Рейган 90 ёшдан ошган АҚШнинг собиқ президентлари ичида Джон Адамс ва Герберт Фувердан сўнг учинчиси. Лекин у тузалмас дардга мубтало бўлган. 1994 йил ноябрь ойида Рональд Рейган альцгеймер касаллигига мубтало бўлганини ўз ватандошларига маълум қилган. Шифокорларнинг фикрларига қараганда, ушбу касаллик бундай ташхис қўйилгандан сўнг бемор одатда 8-10 йил умр кўради. Даволашни шифокорнинг айтишича, Рейган учун фақат хотини Ненси мавжуд қолганлари аҳамиятли эмас. Уч хафта олдин Рональд Рейган йиқилиб тушган ва бели синган. Жарроҳлар уни операция қилиб, шикастланган жойига метал стержен қўйишган. Ҳозир Рейган уйда. Аммо шифокорларнинг айтишича даволаш ишлари узоқ чўзилади.

Исроилда сайловлар АРИЭЛЬ ШАРОН ИСРОИЛ БОШ ВАЗИРИ

6 февраль куни Исроилда яшовчи аҳолининг овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган 4,6 миллион нафари ҳукумат раҳбарини сайлади. Паластиндаги «Хамас» ташкилоти сайлов пайтида турли террорчилик ҳаракатларини содир этишни эълон қилган, мамлакатда мисли кўрилмаган даражада эҳтиёт чоралари кўрилди. Сайлов пайтида Иордан дарёси чап қирғоғи ва Газа сектори билан бўлган чегаралар беркирилди.



эса сўнги пайтгача мағлубиятга учраши ҳақида ўйлашни ҳам хоҳламаслигини баён қилган.

Сайлов арафасидаги сўров натижаларига разм соладиган бўлса, унинг «Ликуд»нинг ўнг блаки раҳбари Ариэль Шарон 20-27 фоиз фарқ билан Ғолиб чиқиши керак. Унинг рақиби Эхуд Барак



ЖИНОЯТЧИ ШИФОҚОРЛАР

Ливерпулдаги болалар касалхонасида ота-оналар розилигисиз ўлган болаларнинг ички аъзоларини олишгани ҳақидаги хабар англияликларни дарғазаб қилди. Суд-терговчи натижасида аниқланишича, бир неча йиллар давомида касалхонада бир ярим миңдан ортиқ ўлик туғилган чақалоқлар жасди ва муфтақлар, шунингдек икки мингга яқин орақ ва бошқа аъзолар сақлаиб келинаётган экан. Буюк Британия соғлиқни сақлаш вазир Алан Милбернинг сўзларига қараганда, голландиялик Дик ван Вельтцен катта патологоанатом лавозимига тайинлангандан кейин ички аъзоларни опшидек гапиркочуний ва гапирхалокий амалиётни бошлаган, ундан кейин эса бу ҳақда сохта маълумотлар берган ва бошқаларни ҳам билгон гапирришга мажбур қилган.

АМЕРИКАГА «ОЗОДЛИК»НИ ФАРАНГЛАР СОВҒА ҚИЛИШГАН

АҚШнинг Нью-Йорк шаҳрида қад ростлаб турган, «Озодлик» ҳайкалини ҳамма билади. Қўлида машъала ушлаб турган ҳайкал, эркинлик ва мустақиллик рамзи сифатида барпо этилган. Бу иншоот ҳақида баъзи гаплардан хабардор бўлиб қўйсангиз фойдадан ҳоли эмас. У шаҳарнинг энг кўзга кўринган жойи — Озодлик оролида жойлашган. Бронзадан асылган бу ҳайкал 1886 йилда АҚШ мустақиллигининг 100 йиллиғи муносабати билан Франция томонидан совға қилинган. Баландлиги 152 фунт (салкам 50 метр). Ҳайкалнинг яна шунча метрли таглиғи ҳам бор. Иншоот тағида Американинг янги иммиграция музейи жойлашган.



Океанлар оша...

БИН ЛАДЕН ТАРАФДОРЛАРИ СУД КҮРСИСИДА

Нью-Йоркда 1998 йили Танзания ва Кениядаги Америка элчихоналари портлатилишида айбланган тўрт киши устидан суд жараёни бошланди. Ушундан ҳаммаси бўлиб, 200 киши дунёдан кўз юмган бўлиб, уларнинг 12 нафари америкалик эди. Айбловчи томон вакили Пол Батлер суд маслаҳатчиларига дахшатли, чигал ва узоқ чўзилган воқеалар тафсилотларини эшитишларини маълум қилди. Батлернинг сўзларига қараганда, айбланувчилар ҳозир Афғонистонда саудиялик Усома бин Ладен билан тил бириктириб, бутун жаҳон бўйлаб америкаликларни ўлдириш мақсадига хизмат қилганлар. Уч нафар айбланувчининг химоячилари уларнинг бин Ладен билан алоқалари борлигини тан олдилар, лекин бу алоқанинг элчихоналардаги портлашларга ҳеч қандай боғлиқлиги йўқ деб ҳисобламоқдалар. Можарони ҳал қилиш давомида олти мамлакатдан қақирилган юздан ортиқ гувоҳлар сўроқ қилинади. Судланаётганлар айбдор деб топилса, уларнинг иккитасини ўлим жазоси кутади. Суд бир йилдан ортиқча чўзилиши кутилмоқда.

ЖОРЖ БУШ СОЛИҚЛАРНИ КАМАЙТИРМОҚЧИ

АҚШ Президенти Жорж Буш Америка Конгрессида яқин ўн йил мобайнида солиқларни 1,5 триллион доллардан

ЖАБРАНДАНЛАР УЧУН БОШПАНА

Ҳиндистондаги зилзилада тирик қолганлар орасида қутулмаганда икки кишининг қутқарилиши натижасида ҳалоскорлар минглаб бошпанасиз қолганларга ёрдам кўрсатиш ишларини яна қучайтириб юбордилар. Ҳукумат доиралари жабр кўрганларга биринчи даражали эҳтиёжларни қондириш учун таркибида тиббиёт шахобчаси, мактаблари, дўконлари ва бозорлари бўлган ўнла марказ яратишга ҳаракат қилмоқдалар. Кейинроқ эса худудлардаги жабрланганларни янги турар жойларга кўчириш режалаштирилмоқда. Душанба куни қутқарилган аёл ва унинг укаси ўн кун давомида уч қаватли уй харобалари остида қолиб кетишган.

«Керегетас» қончиларининг ўз шифохонаси, спорт зали ва сузих ҳавасаси бор. Тиббий хизматлар учун корхона жамоаси йилга бир миллион тенге маблағ ажратади. «Туркистон-пресс».

Кўшилларимиз ҳаётидан

ҚИРҒИЗИСТОН

Кирғизистон чегараларини делимитация қилиш жараёнининг ярами ниҳоясига етказилди — деб маълум қилди Кирғизистон Республикаси халқаро алоқалар ва минтақавий муаммолар бўлими мудири Саломат Аломонов. Унинг айтишича, Кирғизистон чегараларининг узунлиги қарийиб 4,2 миң километрни ташкил этади. 2000 йилда 1100 километр узунликдаги Кирғизистон-Хитой чегаралари тўла делимитация қилинди. Бу йил ёзда кирғиз-хитой чегарасида демаркация ўтказилди. Қозоғистон томони билан ҳам кизгин музокаралар олиб борилаётир. Ани пайтда 1100 километрик масофанинг 350 километрида чегара ўрнатилди. С. Аломоновнинг эътирофи эйтишича, Қозоғистон билан чегараларини делимитация жараёни шу йилда тугатилди.

Кирғизистон Бош вазири К. Бакиев кишлоқ ҳўжалигини уруғлик билан таъминлаш масалалари бўйича кенгаш ўтказди. Виллоят маъмуриятларидан олинган маълумотларга кўра, баҳорги экиш учун 49,3 миң тонна бугдой ва 15,6 миң тонна арпа уруғи талаб этилади. Етишмаган уруғнинг бир қисмини хукуматнинг «2000 йилда табиий офатлардан зарар кўрган кишлоқ тадбиркорлигига давлат ёрдами кўрсатишнинг чоралари тўғрисида» қарорига мувофиқ ҳисоб рақамига ўтказилган бюджет кредитларини узиш ҳисобига уруғлик билан тўлдириб режалаштирилмоқда.

ҚОЗОҒИСТОН

Алматыда таълим ва фан ходимларининг иккинчи республика курултойи ўтказилди. Ушбу анжуманда таълим ва фан соҳаси фаолияти тўлалигича таҳлил этилди. Қозоғистон таълим ва фаннинг асосий тараққиёт йўналишлари, таълимнинг илмий асосланган доктринаси ва стратегияси кўриб чиқилди. Курултойда сўзга чиққан Қозоғистон президенти Нурсултон Назарбоев 2001 йил бюджетида таълим тизимини молиялаштириш 40 фоизга оширилганини қайд этди. Мазкур соҳаларда мавжуд муаммолар аңчагина. Бу малакали ўқитувчиларни тайёрлаш сифати ва юқори синфларни замонавий дарслиқлар билан етарли таъминланганлиги масаласидир. Мактабларда жой тақиллиги энг кескин масалалардан бири бўлиб турибди. Н. Назарбоев янги мактаблар қуриш ва аввал ёпилган ўқув муассасаларини тиклаш ишларини олиб бориш лозимлигини таъкидлади. Биргина жорий йилнинг ўзида республика бўйича 80 та мактабни ишга тушириш режалаштирилмоқда. Президент курултойи вакилларига давлат тилини ўргатишга жиддий ёндашуш пайти келганини айтди. Тилларни билиш, энг аввало давлат тилини билиш ҳар бир қозоғистонликнинг бурчидир, деди президент.

Ўтган йили Павлодар вилоятидаги «Керегетас» қонига икки миллион тоннага яқин оҳактош қазиб олинди. Республикадаги энг сермахсул конлардан бири бўлган «Керегетас» 35 йилдан буён фаолият кўрсатаётир. Бу ердан олинаётган хомашё Қарағанда ва Павлодардаги металлургия корхоналарига юборилади. Бундан тўрт йил бурун корхона «Қозоғистон алюминий» бирлашган акциядорлик жамияти таркибига кирганди. Хомашё қазиб олишни замонавийлаштириш ўшандан бошланди. Техникавий янгиланиш учун фирма 80 миллион тенгедан кўпроқ маблағ сарф қилди. Бутунги қонда қонда 300 нафардан зиёд киши доимий иш билан таъминланган.

«Керегетас» қончиларининг ўз шифохонаси, спорт зали ва сузих ҳавасаси бор. Тиббий хизматлар учун корхона жамоаси йилга бир миллион тенге маблағ ажратади. «Туркистон-пресс».

Инсон ва қонун

«Боласиз уй мазор...», деб билиб айтишган экан, дерди ҳар замонда Шарифахон Нишонбойга зорлиниб. Уларнинг хонадон бефайз, баъзан ютиб юборгудай сукнатда, қўшилларнинг уйларида таралган болаларнинг уйингуллари юракларини ўртаб юборарди. Илгилар ўтиб, фарсанд кўриш умидлари саробга айлангани сари эру хотинга ҳеч бўлмаса бирор болани асраб олиш илинжи тасалли берарди. Ташлаб кетилган биронта чақалоқни ўз болаларидай тарбиялаб, воғга етказишнинг маслаҳатини қилишарди-ю, турли андишага бориб, яна тирноққа зор бўлиб юришаварди. Шундай қунларнинг бирида Шарифа қариндошлари Гулафзал туғруқхонадан онаси воз кечган болани асраб олиб, катта қилаётгани ҳақида гап очди.

Қонуний, ўзини боласидай қилиб беришаркан, — деди умид билан. — Йўл-йўригини гаплашиб кўринг бўлмаса, — Нишонбой ҳам бола деса жонини беришга тайёр. Гулафзал туғруқхонадан онаси ташлаб кетган биронта болани олиш учун шаҳар халқ таълими бўлимининг хомийлик ва васийлик бўлимига учрашишни маслаҳат берди. — Ҳужжатларни ўша ерда тайёрлаб беришади. — Мен бунақа ишларга йўқман, — юраги тўлиб деди Шарифахон. Узингиз гап-

ЧАҚАЛОҚФУРУШЛАР

лашиб, ўзингиз тўғрилаб берсангиз... Бефарзандлик доғи нималигини яхши биладиган Гулафзал Шарифахонга ич-ичидан аччиб, биронта чақалоқни расмийлаштириб беришни зиммасига олди. Узининг бошидан ўтган, кимга учрашишни, қанақа ҳужжатлар кераклигини яхши биларди.

Шаҳар халқ таълими бўлимининг хомийлик ва васийлик бўйича назоратчиси Дина Умрзоқова Гулафзалнинг гапларини ҳайрихоҳлик билан тинглади. — Илтимос, шу опамгаям ёрдам берворинг, болаям етимхонада ўсгандан кўра, бир уйда улғайса, кўнгли ўксимайди ахир!

— Ҳўп, ёрдам берамиз-у... Лекин чақалоқни онасини рози қилиш керак. Юрист оналикдан воз кечиниши ҳужжатлаштириш зарур. Врач, ҳамшира ҳам куруқдан-куруқ бир иш қилмайди.

— Ҳўп, қанча бўлади, — Гулафзал Динанинг дилидагини айтди. — Қиз болага бир хонали квартира, ўғил болага икки хонали квартира, — деди Дина Умрзоқова. — Еки ана шу квартира қийматига тенг пул...

Одам боласини худди бир буюмдай бозорга солаётгани Гулафзалнинг юрагига ханжардай ботаётган бўлса-да, сир бой бермади. — Ўғил бола... икки хонали квартира неча пул, очингни айтаверинг!

— Икки юз йигирма миң... Динанинг хузуридан чиққан Гулафзал «наҳот қонуний қилиб бериши зарур бўлган ишларига шунча сўрашса, шунчакам юзсиз бўладими» деб қўйиб-ёнардан. «Бу гапни Шарифахонга қандай айтмади? Чақалоқ сўраб келган, бола сўраб келган, ўзи бефарзанд қуйганларни баттар қуйдиришаверишса... Одам боласини ҳам сотишаверишса? Йўқ, бунга чек қўйиш керак. Чақалоқфурушларнинг жиловини тортиб қўйдиганлар ҳам бордир!» Гулафзал ана шу ўй-хаёлда Шарифахоннинг уйига бормасдан прокуратурага кириб келди.

Гулафзални айтган баҳосига қўндирган Дина Умрзоқова болалар ва ўсимирлар поликлиникасида ишлайдиган дуғонаси Аропхон Салимовага «хушхабарни» етказди. — Битта ишончли аёл бола олмоқчи. Бўёғи наҳд. Сиз ҳам куруқ қолмайсиз, — деб Аропхоннинг чақалоқ излашга ундади. Уз навбатда Аропхон илгари туғруқхонада ҳамшира бўлган, ҳозир бирга ишлаётган София Халиловага туғруқхонадан бохабар бўлиб туришни, биронта ташлаб кетилган чақалоқ бўлса, дарров ўзига айтишни тайинлади.

... Уша қунлари энди ўн етти ёшга кирган Шаҳнозанинг қўзи ёриган, ўғил кўрганди. Ниҳонсиз туғилган болани ота-онасининг уйига қандай олиб боради? Бахтиёрнинг ота-онаси уйига киритадими? Ўзи ҳали гўдак бўлса, Бахтиёр ҳали

Бир сиким тупроғинг, суртиб кўзимга, Хилпирган байроғинг, олдим қўлимга. Сен ўзинг отасан, сен ўзинг она, Мен учун дунёда, азиз-ягона. Тинчлигинг йўлида, бўлиб биз қалқон, Маҳдигини қўлайимиз, бўлиб шўх-шодон. Тарки Ватанлар учун, бўлурсан армон, Келажаги буюк, хур Ўзбекистон!

Дилфуза МАЖИДОВА, Тошкент шаҳридаги 154-мактабнинг 8"Б"-синф ўқувчиси.

ЎЗБЕКИСТОН

Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки АХБОРОТИ Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки 2001 йил 6 февралдан бошлаб валюта операцияларини бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, бошқона тўловлари учун ҳозирчи валюта ларнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади: 1 АҚШ доллари 330 сўм 34 тиқин қилиб белгилади.

бир ишга кирмаган бўлса, бу болани қандай боқишди? Шаҳноза йиғлаб ёстигини хўл қиларди. Бирга ётган, ёши каттароқ аёл унинг дард билан айтган гапларига аччиб: — Чақалоқлар уйига топширангиз-чи? — деди. — Болани етимхонага берманми, деб яна юм-юм йиғлади Шаҳноза. Бола сўраган бефарзандлар бор... Бахтиёрга бу гапларни айтганда, нима қилишни билмай юрган йигит «ўзингиз биласиз» деди.

Шаҳноза туғруқхона маъмуриятига ариза ёзиб бераётиб, «етимхонага берманлар, биронта боласи йўқларга беринглар», деб ёлворди. Бу гаплардан хабар толган, Аропхон ваъда қилган мўмайгина пул илинжида юрган София Халилова таниши, туғруқхона ҳуқуқшуноси Светлана кидириб топди. — Шаҳноза аризасини қайтариб олишга кўнса, боласига битта харидор бор, — деди. — Сиз ҳам улушингизни оласиз. — Ўз оёғи билан келиб турган наҳд пулнинг дарағи Светлана ҳам бошини айлантирди. У Шаҳнозани уйига бориб, аризасини қайтариб олишни, ўғлини бир оила ас-

Эркинжон ҒОФУРОВ, Фаргона вилояти прокуратураси, ташқи иқтисодий фаолиятда коррупция, талон-торож ва бошқа суистеъмолликларга қарши кураш бўлими бошлиғи, адлия кичик маслаҳатчиси.

Тирки етим қолаётган гўдакларга гамхўрлик қилиш, уларни болалар уйига жойлаштириш ёки фарзанд сўраб ариза ёзган, ота-оналикка лойиқ топилган оилаларга топшириш хизмат вазифаси, хизмат бурчи бўлган мансабдорларнинг бунчалик тубан кетиши кўпни кўрган, турли жиноятларни шош элган прокуратура ходимларини ҳам лол қолдирди. Ташлаб кетилган чақалоқнинг келгуси тақдирини ҳал этишдад олийжаноб бир вазифа ишониб топширилган олий маълумот — бири врач, бири педагог, бири юрист, қолаверса, ўзлари ҳам она бўлган аёлларнинг ўз нафсларини уйлаб, чақалоқфурушлик қилишлари инсонийликка, одамийликка иснод эмасми? Олийжаноб, савоб ишдан ўз манфаатлари йўлида фойдаланмоқчи бўлган нафс бандалари одамларнинг, ўз фарзандларининг қўзларига қай юз билан боқишаркин?

Ерғуд дунёда кўз очишга улгурмай, гўдак бошига шунча савдолар тушигандан беҳабар Равшанин туққандан зиёда она ўз бағрига олди. Аскарқовлар оиласи уни қонуний тарзда фарзандликка қабул қилишди. Бу оилада у ўсиб-улғайиб, ўз бахтини топшишга ишонмаси.

Гулафзал Дина Умрзоқова тайинланган қўзи соат бир яримларда 220 миң сўмнинг 180 миң сўмини унинг ишончасига олиб берди. Дина ўз улуши — олтиш миң сўми санаб олиб, «қолганини Аропхоннинг уйига олиб бориб берамиз» деди. Аропхон уларни София билан бирга қўлиб ўтирганди. Эру хотин Аскарқовларнинг қўзи ўнгида улар 120 миң сўм порани санаб олиб, чақалоқни топширишди. Битта квартира пули миқдориди чақалоқ олди-сотдисини уюштирган жиний гуруҳ қинғир иш устида қўлга олинди...

Тирки етим қолаётган гўдакларга гамхўрлик қилиш, уларни болалар уйига жойлаштириш ёки фарзанд сўраб ариза ёзган, ота-оналикка лойиқ топилган оилаларга топшириш хизмат вазифаси, хизмат бурчи бўлган мансабдорларнинг бунчалик тубан кетиши кўпни кўрган, турли жиноятларни шош элган прокуратура ходимларини ҳам лол қолдирди. Ташлаб кетилган чақалоқнинг келгуси тақдирини ҳал этишдад олийжаноб бир вазифа ишониб топширилган олий маълумот — бири врач, бири педагог, бири юрист, қолаверса, ўзлари ҳам она бўлган аёлларнинг ўз нафсларини уйлаб, чақалоқфурушлик қилишлари инсонийликка, одамийликка иснод эмасми? Олийжаноб, савоб ишдан ўз манфаатлари йўлида фойдаланмоқчи бўлган нафс бандалари одамларнинг, ўз фарзандларининг қўзларига қай юз билан боқишаркин?

Ерғуд дунёда кўз очишга улгурмай, гўдак бошига шунча савдолар тушигандан беҳабар Равшанин туққандан зиёда она ўз бағрига олди. Аскарқовлар оиласи уни қонуний тарзда фарзандликка қабул қилишди. Бу оилада у ўсиб-улғайиб, ўз бахтини топшишга ишонмаси.

Гулафзални айтган баҳосига қўндирган Дина Умрзоқова болалар ва ўсимирлар поликлиникасида ишлайдиган дуғонаси Аропхон Салимовага «хушхабарни» етказди. — Битта ишончли аёл бола олмоқчи. Бўёғи наҳд. Сиз ҳам куруқ қолмайсиз, — деб Аропхоннинг чақалоқ излашга ундади. Уз навбатда Аропхон илгари туғруқхонада ҳамшира бўлган, ҳозир бирга ишлаётган София Халиловага туғруқхонадан бохабар бўлиб туришни, биронта ташлаб кетилган чақалоқ бўлса, дарров ўзига айтишни тайинлади.

... Уша қунлари энди ўн етти ёшга кирган Шаҳнозанинг қўзи ёриган, ўғил кўрганди. Ниҳонсиз туғилган болани ота-онасининг уйига қандай олиб боради? Бахтиёрнинг ота-онаси уйига киритадими? Ўзи ҳали гўдак бўлса, Бахтиёр ҳали

Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки АХБОРОТИ Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки 2001 йил 6 февралдан бошлаб валюта операцияларини бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, бошқона тўловлари учун ҳозирчи валюта ларнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади: 1 АҚШ доллари 330 сўм 34 тиқин қилиб белгилади.

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сийбий Кенгаши ва «Адолат» газетаси иккунчи жамоаси.

Бош муҳаррир: Тўхтамурад ТОШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Т. О. ДАМИНОВ, А. Ф. ҚУЛОММАХМУДОВ, А. ЖУРАБОВ, Р. З. АҲМАДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Р. Р. ХАЙДАРОВ, К. ИХСИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Д. К. КИРГИЗБОВ (Бўлим мудири), Р. АЗИМОВ, Т. И. ЭРГАШЕВ, А. МАМАЖОНОВ, Ҳ. Ф. ЖУРАЕВ, Н. НУРМАТОВ, М. КАЛОНХОНОВ.

Мўлоқот учун телефонлар: Кабулхона — 133-41-89, Хатлар ва шикоятлар бўлими — 136-55-64. Навбатчи — Саъиддин САЙДИСЛОМОВ. Саҳифаловчи — Бахтиёр ҚУШОКОВ.

Мақолада келтирилган факт ва рақамлар учун фақат муаллифлар жавоб берадилар. Қўзғалмас муаллифларга қайтариқмайди. «Шарҳ» нашриёт — матбаа акциядорлик компанияси бошқарувида қон эъланди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Баскетбол тоғриши вақти: 30.00. Баскетбол тоғриши вақти: 30.00. МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси-32.